

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Ким Байтуллоҳни ҳаж қилса, (унда) ахлоқсиз сўзларни сўзламаса ва фисқ-фужур ишлар қилмаса, худди онаси уни туққан кундаги каби (барча) гуноҳлардан албатта покланиб чиқади”» (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Ким уйдан ҳаж ёки умра қилувчи ҳолида чиқиб,



ҲАЖНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

(йўлда) у вафот этса, унга албатта қиёмат кунига қадар ҳаж ва умра қилувчилар ажри (савоби) жорий қилинади”» (*Байҳақий ривояти*).

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай дедилар: “Бир мабрур ҳаж дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхшироқдир. Ва бир мабрур ҳаж борки, унинг мукофоти фақат жаннат бўлади”» (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деб айтдилар: “Ҳожилар ва умра қилувчилар Аллоҳ таолонинг гуруҳи ва зиёратчиларидир. Агар Ундан сўрасалар, уларга беради, агар Ундан мағфират тиласалар, уларни кечиради, агар дуо қилсалар, мустажоб бўлади ва шафоат сўрасалар, шафоатлари қабул қилинади”» (*Ибн Ҳиббон ривояти*).

Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят



қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Мана бу Байтуллоҳдан фойдаланиб қолинглар, зеро, у икки марта бузилди, учинчисида кўтарилади”» (*Ҳоким ривояти*).

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унда (жума кунида) “Вадоеъ ҳажи”ни адо қилганлар. Арафотда вуқуф қилиб турган пайтларида Аллоҳ таолонинг: “**Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломи дин қилиб танладим**”, (*Моидда, 3*) деган ояти нозил бўлган» (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

“Албатта, Ҳажар ул-асвад жаннат ёқутларидан бир ёқутдир. У қиёмат кунида икки кўзи ва тили билан тирилтирилади. Ким уни ҳурмат ва садоқат ила ўпган бўлса, ўша тили билан сўзлаб унинг фойдасига гувоҳлик беради” (*Термизий, Ибн Ҳиббон, Ибн Можа, Ҳоким ривояти*).

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Менинг бу масжидимдаги намоз Масжид ул-Ҳаромдан бошқа масжидлардаги минг намоздан яхшироқдир”» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Шайтон бирор кун ҳам Арафа кунидан кўра тубанроқ, хорроқ, ҳақирроқ ва тушкунроқ кўринмаган”» (*Имом Молик ривояти*).

МУНДАРИЖА

<i>Амри маъруф</i> Ҳажнинг фазилатлари	1
<i>Масала</i> Узрли кишига оид ҳукмлар	5
<i>Амри маъруф</i> Аҳмад МУҲАММАД Шукуҳ ва ўқинч	6
<i>Қадрият</i> Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ Кўйлик ота	13
<i>Болалар саҳифаси</i> Кичкина Умарнинг ҳикоялари.....	14
<i>Воқеа</i> Имом Бухорий авлодларига.....	15
<i>Қуръон ва биз</i> Жаҳонгир НЕЪМАТОВ Қуръон тиловати одоблари.....	18
<i>Мактубларда манзаралар</i> Дунёқарашимни ўзгартириб юборди.....	20
Шоҳижаҳон АЛИШЕР ўғли “Ғурфа”га муносиб бўлайлик	20
Улуғбек АБДУЛЛА ўғли Келажакка умид	20
Сувонқул КЕНЖАЕВ Шукрона	20
<i>Ибратли ҳикоялар</i> Юракдаги жой.....	21
<i>Устозларимиз</i> АБДУЛАЗИЗ қори ота Рўзи қори устозим эдилар	22
<i>Шеърият</i> Азиз АБДУРАЗЗОҚ Ярим ой хаёли.....	24
<i>Наҳйи мункар</i> “Ёмонликлар онаси”дан сақланинг.....	25
<i>Мерос</i> МАҲЖУРИЙ Етқарур раҳматга Қуръону ҳадис	26
Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ Маърифатга ошно кўнгил.....	27
<i>Тиббийёт бурчаги</i> Сафар МУҲАММАД Зира	31
<i>Раҳм-шафқат</i> Улар бизнинг кўшнилари.....	32



Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Масала

4

ҚУРБОНЛИК ИБОДАТИ

Камбағал киши қурбонлик ниятида қўй сотиб олгач, олган қўйини сотиб юборса ё у қўй ўлиб қолса, бошқа қўй олиб сўйиши лозим бўлмайди.



Аёлларга хос масалалар

7

ИДДА

Иддадаги хотин иддасини эрининг уйида ўтказиши вожибдир. Зарурат бўлмаганида идда давомида у ердан чиқиб, бошқа жойда яшаши жоиз эмас.

Хабарлар

8

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Тараққиёт кафолати



Покистон илм-фан вазири Ато ур-Раҳмон ва Ислом конференсаси ташкилотининг илм-фан бўйича маслаҳатчиси Анвар Насим “Nature” журналига берган шарҳида мусулмон мамлакатлари учун “илмий уйғониш даври” зарурлигини таъкидлашди.

Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар
Холид МУҲАММАД ХОЛИД

10

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМНИНГ ЭНГ БИЛИМДОНИ

Кунлардан бир кун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Эй Муоз, Аллоҳга қасамки, мен сени севаман. Ҳар намоздан кейин “Аллоҳим, менга Сени зикр этиш, шукр қилиш ва Сенгагина гўзал ибодат этишимда ёрдам бер”, дедимокни унутма”.



Олисларга саёҳат

16

ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ



Озарбойжон Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) халифалиги даврида (ҳижрий 22, милодий 642 йил) фатҳ этилган ва исломият тўла қарор топган. Ҳазрати Усмон Эрдебилни марказ

қилиб, Озарбойжон шаҳарларига аскар жойлаштирган ва Исломнинг ёйилишини тезлаштирган.

Тарих

Ҳофиз Таниш БУХОРИЙ

28

БИР ДАРЁНИНГ ИРМОҚЛАРИ

Нима (ёмонлик)ни ўйласанг, ўшанга ўзинг гирифтор бўласан. (Қорахон ҳам) ўз бошига ўзи етди. Ниҳоқ тухмини эккан эди. Умидсизлик ҳосилани (йиғиб) олди. “Агар чиройли амаллар қилсангизлар, ўзларингизга яхшилик қилган бўлурсизлар. Агар ёмон — гуноҳ амаллар қилсангизлар ҳам, ўзларингиз учундир” (Ал-Исро, 7).



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Дурбек ОБИДЖОН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Тартибловчи

Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.

Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 9 декабрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2004 йил 16 декабрда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 7000 нусха.
340-сон буюртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтамаиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

ҚУРБОНЛИК ИБОДАТИ

Қурбонлик қилиш закот, садақаи фитр каби молиявий ибодатдир.

Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни ҳайит намози ўқилганидан бошлаб, то ўн иккинчи кунининг шомигача қурбонлик сўйиш вақтидир.

Кумуш закотининг нисобидаги* маблағга ё зарурий эҳтиёждан ортиқча, қиймати кумуш нисоби миқдорига етадиган мулкка эга бўлган муқим мусулмонга қурбонлик қилиш вожиб бўлади.

Яшаётган турар жойи, керакли (уй ичида, ишда ва ҳайитда кийиш учун) кийимлари, уй анжомлари, меҳнат қуроллари зарурий эҳтиёжга киради.

Қурбонлик сўйиш вақтининг охиридаги бойлик ҳолати қурбонликнинг вожиб бўлиши учун ҳисобга олинади. Яъни, камбағал киши қурбонлик сўйиш вақтининг охирига келиб кумуш нисоби миқдорича бойликка эга бўлса, унга қур-

бонлик қилиш вожиб бўлади, агар бой киши мазкур вақтда камбағал бўлиб қолса, унга қурбонлик сўйиш вожиб бўлмайди.

Қиймати кумуш закоти нисобига етадиган ери бўлган, аммо ўзи ижарада яшаётган мусулмонга қурбонлик сўйиш вожибдир.

Қурбонлик учун беш ёшга тўлган туя, икки ёшга тўлган қорамол, олти ойлик қўй, ўн икки ойлик эчки ярайди.

Қурбонлик ниятида товук, қурка кабиларни сўйиш макруҳдир.

Туя ва қорамолларни етти киши ё бундан кам киши бирлашиб қурбонликка сўйишлари жоиз. Аммо улардан бирининг нияти гўшт олиш бўлса, барчаларининг қурбонлиги бекор бўлади. Зеро, қурбонликнинг рукни гўшт олиш эмас, мол сўйишдир. Етти киши бир бўлиб сўйилган қурбонлик гўштини тарозида тортиб, тенг тақсимлаб олишлари лозим бўлади.

Кўзи кўр, қулоғи, шохи, думининг учдан бир қисмидан кўпи кесиб ташланган ҳайвонлар қурбонликка ярамайди. Қурбонликка сўйилган ҳайвоннинг

терисини қассобга хизмат ҳаққи сифатида бериш мумкин эмас.

Қурбонлик сўйиши вожиб бўлган киши қурбонликни вақтда сўймаса, кейин унинг қийматини садақа қилиши вожибдир.

Сўйилган қурбонликнинг учдан бирини садақа қилиш учдан бирини едириш, учдан бирини кейин ейишга олиб қўйиш мустаҳаб. Аммо серфарзанд бўлса, ҳаммасини ўз фарзандлари учун қолдириши мустаҳабдир.

Қурбонлик қилувчи сўйишни билса, ўзи сўяди. Билмаса, бировга буюриб, ўзи унинг олдида туради.

Қурбонлик молининг териси садақа қилинади ё рўзғорда ишлатиладиган кигиз, палос каби нарсаларга алмаштирилади. Агар сотиб юборилса, пули садақа қилинади.

Қурбонлик мусофирга вожиб эмас. Нисоб миқдоридagi мулкка эга киши қурбонлик учун қўй сотиб олганидан сўнг сафарга чиқса, ундан қурбонлик соқит бўлади. Олган қўйини сотиб юбориши жоиз.

Бой киши қурбонликни ўзи-



УЗРЛИ КИШИГА ОИД ҲУКМЛАР

га назр қилиб, сотиб олган қўйни қурбонлик кунлари сўймай, тириклай садақа қилса, қурбонлик вақти ўтмаган бўлса, унга тенг қўйни сўйиши лозим бўлади. Агар вақти ўтган бўлса, қийматини садақа қилиши керак.

Қурбонликни ўзига назр қилиб, сотиб олган қўйни вақтида сўймаса, тириклай садақа қилади. Агар вақти ўтиб сўйса, гўштини ва бошқа қисмларини садақа қилади. Ўзи емайди.

Назр қилинган қурбонлик гўштидан назр қилувчининг (ҳатто камбағал бўлса-да) ўзи ҳам, бой кишилар ҳам, ейиши мумкин эмас. Агар еса, еган миқдорининг қийматини садақа қилиши лозим.

Қурбонлик қилишни (“Аллоҳ учун қурбонлик қилишни назр қилдим” деб) ўзига назр қилган бой иккита қурбонлик қилиши вожиб бўлади: бири назр учун, иккинчиси зиммасидаги вожибнинг адоси учун.

Мол турини айтмай, қурбонлик қилишни ўзига назр қилган кишига қўй сўйиш вожиб бўлади.

Камбағал киши қурбонлик ниятида қўй сотиб олгач, олган қўйини сотиб юборса ё у қўй ўлиб қолса, бошқа қўй олиб сўйиши лозим бўлмайди.

Ният қилиш билан қурбонлик сўйиш вожиб бўлмайди.

Эллик минг сўмга қурбонлик сотиб олиш эллик милён сўм садақа қилишдан афзалдир.

Қурбонликка айнан атаб сотиб олинган молни (қўйни) сотиш мумкин эмас. Агар сотиб, арзонроқ бошқасини олса, қолган пулни садақа қилиши лозим.

“Раддул Мухтор”, “Дуррул Мухтор”, “Қозихон”, “Хулоса” китоблари асосида

Уста ОЛИМ
тайёрлади

Банда ўз ожизлигини ва Яратганга муҳтожлигини ҳис этсин учун ҳаёти давомида турли дард ва жароҳатларга мубтало этилган. Улардан ташвишланмай, хотиржам бўлиб сабр қилган ва Яратгандан шифо тилаб, Унга тазарруъ этган банданинг гуноҳларига бу дунёда чеккан дарду аламлари каффоратдир.

Шу билан бирга, баъзи дардлар ибодатнинг мақбуллиги учун қўйилган шарт ва талабларнинг енгиллашувига боис бўлади ва уларга мубтало бўлганлар шаръан узрли аталдилар.

Истиҳоза, пешоб ва елнинг сурункали чиқиб туриши, битиши қийин жароҳатлар, кўз, қулоқ оғриб, улардан ёш ё йиринг оқиб туриши шундай дардлардандир.

Бошланишида тўла бир намоз вақти давомида (масалан, асрдан шомгача) жароҳатидан тўхтамай қон, йиринг ёки нам чиқиб турган киши шаръан узрли ҳисобланади. Кейинги намоз вақтларида, бу ҳолнинг давом этиши шарт эмас. Унинг жароҳатидан кейинги намоз вақтларида бир марта бўлса-да, қон каби нарсалар чиқиб турса, узрли ҳисобланаверади. Узрли кишининг жароҳатидан тўла бир намоз вақтида ҳеч нарса чиқмаса, унинг узри тугаган бўлади.

Узрли кишилар ҳар бир намоз вақти учун янгидан таҳорат олишлари керак. Сўнг бир намоз вақти давомида узрга сабаб бўлган ҳол давом этиб турса-да, таҳоратлари синган ҳисобланмайди. Агар таҳоратни синдирувчи бошқа сабаб содир бўлмаса, ўша вақт ичида шу

таҳорат билан истаган намозларини (фарз, вожиб, суннат, нафл, қазо) ўқийверадилар. Узрли кишининг таҳорати намоз вақти чиқиши билан синади ва у янги вақт намози учун қайта таҳорат олиши керак.

Узрли киши, узридан ҳеч нарса чиқмаган ҳолида бошқа сабаб билан таҳорати сингани учун таҳорат олсаю сўнг узридан нам чиқса, янгидан таҳорат олиши лозим.

Узрли киши узридан нам чиқиб турган ҳолда таҳорат олсаю намоз ўқиши чоғида узридан ҳеч нарса чиқмаса ва бу ҳол (узрдан ҳеч нарса чиқмаслик) иккинчи намоз вақтида ҳам давом этса, олдинги вақт намозини қазо қилиб ўқиши керак бўлади. Узрли киши узридан нам чиқиб турган ҳолда маҳсисини кийган бўлса, унга масҳ тортиш мумкин эмас.

Узрли жойдан чиққан қон дирҳам миқдоридан (очилган қўл кафтининг сув турадиган қисми) ортиқ жойга теккан бўлса ва сўнг намоз ўқиб бўлгунча қайта чиқмаса, уни ювиб қайта намоз ўқиш вожиб бўлади.

Жароҳатни боғлаш ё дори суриш билан ундан чиқадиган нарсани тўхтатиш ё камайтириш вожибдир. Жароҳат боғланганида ундан ҳеч нарса чиқмаса, киши узрли ҳисобланмайди. Жароҳатли киши намоз ўқиганида жароҳатидан ҳеч нарса чиқмайдиган бўлса намозини имо билан ўқиши керак.

Муҳаммадшариф ЖУМАН
тайёрлади.

ШУКУҲ ВА ЎКИНЧ

Ойларнинг саййиди, султони ва энг фазилатлиси Рамазон ортда қолди. Биринчи ўн кунлиги раҳмат, ўртадагиси мағфират, охиргиси жаҳаннамдан қутулиш кунлари бўлган шарафли ва муборак ой вақтинчага бизларни тарк этди. Кўзларда ёш, кўнгилда “Ибодатларимни Аллоҳ қабул этсин” деган ёруғ умид билан хайрлашиб қолдик яна.

Абу Зарр Ғифорийдан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар инсонлар Рамазон ойидаги мукофотлар, савоблар, неъматлар ва раҳматларни билсалар эди, Рамазоннинг йил бўйи давом этишини хоҳлаган бўлардилар”, деб марҳамат қилганлар.

Бу йилги Рамазоннинг файзу футуҳи, шаънишукуҳи, барака ва саховати, тавфиқи ва таровати бошқача бўлди. Масжидларимиз хатмул Куръон кечалари, таровех намозлари, илм, амру маъруф, наҳйи мункар мажлисларига интилган мусулмонлар билан тўлиб-тошди. Юртга файз инди, гўё Аллоҳнинг раҳмат нури ила нурафшон бўлди диёримиз. Тош қотган қалбларимиз эриди, худбинлик, жоҳиллик ўрнини меҳр, тавозе, ҳалимлик эгаллади. Диний китоб расталарида илк бор илмга ташна мусулмонларнинг навбатга тургани кузатилди. Мусулмонларнинг муомала-муносабатлари ҳам карам, эзгулик, саховат ила безанди. Бир-биридан кўнгил сўраш, хабар олиш, гиналарни унутиш, кечиримли бўлиш, меҳр-мурувват кўрсатиш, ёрдамга ошиқиш каби фазилатлар ҳулқларимизни янада чиройли қилиб юборди.

Аммо...

Афсуски, баъзан Рамазон кайфиятига доғ бўлиб тушган манзараларнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Ошхоналарда ҳиди ва тутунини бурқситиб турли-туман таомлар пиширилиши, “Кеп қолинг барра кабобларга, заказной сомсаларга”, дея бор овозда чорлашлар алақандай эриш туюлди. Туппа-тузук одамлар, ҳатто чолу кампирларнинг ҳам кўчаларда таомлар еб ўтиришлари, кашандаларнинг папирос тутунини башарангизга пуфлаб кетишлари ҳам бир оз малол келди. Айрим сотувчиларнинг “Мана, еб кўринг, тотиб кўринг”, каби мулозаматлари ҳам нохуш кайфият уйғотди. (Албатта, Рамазон кириши билан барча ошхоналар ёпилиши керак, демоқчи эмасмиз. Чунки узрлилар бор, гайридинлар бор, улар рўза



тутмайдилар, кундузи овқатланишлари жоиз. Бу ерда гап Рамазоннинг ва рўздорлар эътиқодининг ҳурмати устида бораётир. Эътиқодни ҳурмат қилиш эса маданиятнинг бир белгисидир.)

Шундай улуғ, фазилатли ойда ҳам айрим мусулмонларнинг (ҳа, мусулмонларнинг) бемалол ароқ ичишганига, майхўрликлар тўхтаганига нима деса бўлади?! Имомларимиздан бирининг ҳикоясига қараганда, пойтахтдаги бир хонадонда фарзандларининг туғилган куни муносабати билан уюштирилган зиёфатга “ифторлик” номи билан таклиф этишибди. Маҳаллани алоҳида, улфат-ҳамкасбларни алоҳида хоналарга ўтиргизиб, кейингиларига чойнақларда ароқ тортилибди. Покиза ифтор дастурхонида ҳаром ароқнинг айлантирилишини нима деб номлашга сўз тополмадим. Айрим акаларимизнинг Рамазон кунларида ичиб олиб, кўчаларда гандирақлаб юрганлари, бир ҳамкасбим зорланишича, Қадр кечасида юқори қаватдаги қўшнисининг йигит-қизларни тўплаб, эрта-лабгача дупур-дупур рақс тушиб чиқишлари ҳам тўқилган воқеалар эмас, бор гап!

Кўп хорижий ўлкаларда, ҳатто мусулмонлар озчиликни ташкил этадиган юртларда ҳам Рамазон ойи ва рўздорлар айрича эъзозланишади. Асри саодатда Мадинада яшаган яҳудийлар рўздорларга малол келмасин деб кўчага ўйнагани кетаётган болаларининг қўлига емак беришмаган. Кўпгина мамлакатларда Рамазон ойда барча ошхона-тамадихоналар кундузи беркитилиб, фақат ифторлик ва саҳарлик пайтидагина очиқ бўлади. (Шуни қувончлики, бу йилги Рамазонда Тошкентдаги ва вилоятлардаги жуда кўп ошхоналарда мусулмонлар ва уйига етиб ололмаганлар учун ифторликлар ташкил этилди, ҳаттоки “Бархан”даги ифторликка марҳамат!” деган овоза (реклама)лар пайдо бўлди.) Аҳолисининг катта қисми ғайримуслим бўлган Ҳиндистонда рўздорлар нохуш ҳолга тушмасинлар деб кундузи ошхоналарнинг деразаларига парда тутиб қўйилади.

Бу табаррук ойда бойларнинг саховат-ҳимматлари жўш уради, етим-есир, бева-бечора, фақир-мискинларга ифторликлар уюштириш, сотаётган

ИДДА

молининг баҳосини камайтириш, инфоқ-эхсон, садақа ва хайрияларни кўпайтиришда мусобақа бошланиб кетади. Бизда эса... Негадир бозорларимизда нарх-наво пасайиш ўрнига, айрим ноинсоф сотувчиларнинг очкўзликлари туфайли бир оз ошгандай туюлди. Олди-сотдидаги алдовлар, фириблар, ёлғонлар, тарозидан уриб қолишлар камайганга ўхшамади. Саховат қопларининг кўпи оғзи очилмаганича қолди...

Яна бир мулоҳаза. Рамазонда баракот ёғилиб туришига қарамай, ихтиёрий оч қолишнинг ҳикмати Аллоҳга қуликни билдириш, оч-ночорларнинг аҳволини англаш, ҳавойи нафсни синдириш, шайтонга қаҳр кўрсатишдир. Аммо ифторлик, сахарлик дастурхонларимизнинг бир-биридан мазали тўрт-беш хил таомлар, турли пишириқлар, қанд-қурс, анвойи мевачевалар (ҳатто банан-ананас каби хориждан келтирилганлари ҳам), pista-бодомлар билан тўлдириб ташланиши ҳам, кундузи ейишдан тийилиб юришнинг ҳиссасини ифтор ва сахарликда бир неча баробар қилиб чиқазиб олиш рўза ҳикматига мос келармикин? Нафс тарбияси фақат рўза пайти эмас, оғиз очар пайти ҳам давом этиши керак.

Рамазон ойида Аллоҳ таолонинг бандалар гуноҳларини мағфират қилиши, мусулмон диёрларга раҳмат ёғдириши, жаҳаннам оловидан паноҳ бериши ҳақида аниқ хабарлар бор. Шундай бўлгач, бу муборак ойни чинакам тақво, холис ибодатлар билан ўтказиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи, вазифаси, тавбасидир. Бу йилги Рамазонни кузатар эканман, шундай мулоҳазалар кўнгилдан ўтди. Аллоҳ таоло барчаларимизни ҳидоятга бошласин, тақво ила сийласин!

Аҳмад МУҲАММАД

“Идда” сўзи “санаш” маъносини билдиради. Фикҳда аёлнинг эридан ажраб, бошқасига теккунича, орада кутиши керак бўлган вақт идда дейилади.

Талоқ чоғида ҳайз кўрган аёл уч ҳайз кўргунича муддат кутади. Ҳомиладор аёлнинг иддаси бола туғилиши билан тугайди. Эри ўлиб, ҳомиласи бўлмаган аёлнинг иддаси тўрт ойу ўн кундир.

Боин талоқ билан ажрашган хотин идда муддатида эридан алоҳида туради. Учинчи киши бўлмаган жойда иккиси бирга қололмайди. Чунки ўрталарида эр-хотинлик тугаган. Иддаси битгунича нафақасини бериб, алоҳида яшайди. Ражбий талоқда булар шарт эмас, хотинига қайтаётганида гувоҳ тутиши мустаҳабдир.

Савол: Эри ўлгани учун иддада ўтирган хотинга нима-лар вожиб?

Жавоб: Эри ўлгани учун иддадаги хотин уйида ўтириши, уйдан ҳожат бўлганидагина чиқиб, тез қайтиши, безак ва хуш-бўйликларни ишлатмаслиги, эридан айрилгани учун ҳафалигини изҳор қилиши вожиб.

Савол: Эр мазах ё ҳазил қилиб талоқ сўз айтса, нима бўлади?

Жавоб: Мазах ё ҳазил қилиб талоқ сўз айтилса, жиддий талоқ қилган каби талоқ тушади.

Савол: Талоқ қилинган хотиннинг қандай ҳуқуқлари бор?

Жавоб: Боин талоқ қилинган хотин ҳали маҳрини олмаган бўлса, уни талаб қилиш ва иддаси давомида нафақасини олиш ҳақларига эга.

Савол: Иддадаги хотин эрининг уйидан чиқиб кетиб, бошқаларнинг (ота-онасининг) уйида яшаши жоизми?

Жавоб: Йўқ. Унга эрининг уйидан чиқиб кетиб, бошқа уйда яшаш мумкин эмас. Иддадаги хотин иддасини эрининг уйида ўтказиши вожибдир. Зарурат бўлмаганида идда давомида у ердан чиқиб бошқа жойда яшаши жоиз эмас. Талоқ сура-сининг биринчи ояти мазмуни шундай: “Талоқ қилинган хотинларни, очиқ ёмон иш қилмаса,

ўтирган уйларидан чиқарманг. Улар ўзлари чиқмасинлар”.

Савол: Оқибатини билмай, хотинини талоқ қилган кишининг талоғи тушадими?

Жавоб: Унинг талоғи тушади. Билмаслик ҳеч кимга узр бўлмайди. Фақат, динга янги кириб, унинг аҳқомларини ўрганишга етарли муддат ўтказмаган ё чўлда ёлғиз яшаган инсоннинг билмаслиги узр бўлади. Булардан бошқалар билмасликлари учун жазоланадилар. Зеро, илм олиш барча мусулмонларга фарздир.

Савол: Диндан қайтиш билан никоҳ бузиладими?

Жавоб: Бу масала жиддий ва муҳимдир. Айтиш мумкин-ки, барча масалаларнинг энг муҳимидир. Зеро, Исломи диндан қайтиш фақат никоҳга таъсир қилиб қолмайди, балки, Аллоҳ сақласин, ундан олдин имонни йўқ қилади.

Барча мужтаҳидларнинг фикри шундай: эр ё хотиндан бирови диндан қайтса, ўртадаги никоҳ бузилади ва бир-бирларига ўзаро ҳалоллиги йўқолади. Яъни, улар бир-бирларидан ажралишган ҳисобланади. Бунинг учун қозининг ҳукми керак бўлмайди. Агар муртад тавба қилиб, Исломга қайтса ва аввалги жуфти билан яшашни истаса, у билан қайта никоҳланиши лозим.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Тараққиёт кафолати

Покистон илм-фан вазири Ато ур-Раҳмон ва Ислон конференсаси ташкилотининг илм-фан бўйича маслаҳатчиси Анвар Насим “Nature” журналига берган шарҳида мусулмон мамлакатлари учун “илмий уйғониш даври” зарурлигини таъкидлашди.

Айни дамда исломий давлатлардаги илм-фан жуда аянчли аҳволда, 1,3 миллиард аҳоли яшайдиган ИКТга аъзо 57 мамлакат ялпи миллий маҳсулотнинг фақат 0,2 фоизинигина илм-фан тараққиёти учун ажратади. Шунингдек, бу давлатлардаги олимларнинг сони ҳам жуда озчиликни ташкил этади.

Мақола муаллифлари мусулмон давлатлари раҳбарлари илм-фаннинг жамият тараққиётидаги ўрнига етарли аҳамият бермаётганларини алоҳида таъкидлашди. “Мусулмонлар учун танқидий фикрлаш ва ижодий изланиш вақти келди. Жамиятни маърифий жиҳатдан замонавийлаштиришда асосий масъулият исломий мамлакатлар раҳбарлари зиммасидадир”, деб ёзишади улар. Ҳар икки муаллиф ҳам Ислон дунёсини унинг келажакдаги раванқини белгиловчи фан ва техникасиз қайта тиклаб бўлмайди, деган фикрдадир.

Saudi Press Agency

Оврупа иттифоқида 15 милён мусулмон

Оврупа иттифоқи (ОИ)га кирувчи давлатларнинг умумий аҳолиси 455 милён кишидан иборат. Унинг 15 милёнини, яъни, 3,5 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Олимлар бу маълумотни сўнгги тадқиқотлар натижасига кўра маълум қилишди. Мусулмон аҳолининг катта қисми ОИга аъзо етакчи давлатлар — Нидерланда, Австрия, Фарангистон ва Олмония ҳиссасига тўғри келади.

Олмонияда аҳолининг тўрт фоизга яқинини ташкил этувчи 3,2 милён мусулмон истиқомат қилади. Шу сабабли нуфуси жиҳатидан Ислон дини бу давлатда насронийликдан кейинги ўринда туради. Мусулмонларнинг кўпи (2,4 милёни) турклар қолгани собиқ Югославия, Эрон ва араб мамлакатларидан Олмонияга келган муҳожирлардир. Тахминан 60 милён аҳоли яшайдиган Фарангистонда мусулмонлар сони 6 милёнга яқинлашиб қолган. Улар асосан ўтган ўн йил давомида Ши-

молий Африқодаги Фарангистон мустамлакаларидан кўчиб келганлар ва Ислон динига кирган фаранглар ҳисобига кўпайган.

Нидерландада эса 15 милён маҳаллий аҳоли орасида 900 минг мусулмон муҳожир истиқомат қилмоқда. Умумий ҳисобда мусулмонлар аҳолининг беш фоиздан ортиқроғини ташкил этади. Холландадаги мусулмонларнинг асосий қисми келиб чиқиши турк ва марокашлик мусулмонлардир.

Австриядаги саккиз милёндан ортиқ аҳолининг 340 мингга яқини (тўрт фоизи) мусулмон. Бу мамлакатда, Олмониядан фарқли ўлароқ, Ислон дини дарслари немис тилида олиб борилади. 10,3 милён аҳолиси бўлган Белгиянинг 380 минг фуқароси (3,7 фоизи) мусулмонлардан иборат. Шимолий Африқолик илк ёлланма ишчилар тоғ-кон саноатида ишлаш учун Белгияга ўтган асрнинг 20-йилларида келишган эди. Юнонистоннинг 10,6 милён аҳолисидан неча фоизи мусулмон экани ҳақида аниқ расмий маълумот йўқ, уларнинг сони тахминан 380 мингга боради. Кўпчилик мусулмонлар Туркия чегарасидан унча узоқ бўлмаган жойларда яшашиди.

Буюк Британиядаги 60 милёнга яқин аҳолининг 2 милёни (уч фоиздан ортиғи) мусулмон ҳисобланади. Муҳожирларнинг асосий қисми Британиянинг собиқ мустамлакаларидан, кўпроқ Покистон ва Бангладешдан кўчиб келишган.

“Deutsche Welle”

Ислон билан таништириш ҳафталиги



Буюк Британияда ўн-инчи бор ўтказилган «Ислон дини билан танишиш» ҳафталиги мамлакат мусулмонларига ҳамюрт мусулмон кўшнилари ва танишларининг Британия тараққиётига кўшган ҳиссалари ҳақида

билиш имконини берди.

Тадбирнинг вазифаси фақатгина тинч-тотув турмуш тарзини эмас, балки турли маданият ва дин вакиллари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарасини ҳам намойиш этишдан иборат эди. 22 нўябр куни “Глоб” номли Шекспир театрида Буюк Британия Ислон ташкилотлари томонидан тушлик ташкиллаштирилди. Унда Саудия Арабистони элчиси шаҳзода Турки ал-Файсал, Буюк Британия мусулмонлари кенгашидан Иқбол Сакрани ва яна бошқа юқори мартабали кишилар қатнашишди.

Ўн йилдан бери анъанага айланиб қолган, му- сулмонлар ва аҳоли ўртасида ўзаро муносабат- лар ўрнатиш имконини берувчи «Ислом билан та- нишиш» ҳафталиги нафақат Лондонда, балки Буюк Британиянинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтқа- зилади.

Emirates News Agency

Боксчининг қатъий қарори

Дэнни Уилямс украиналик Виталий Кличко би- лан ўтказилган жангидан сўнг боксдан кетмоқчи.

Британиялик боксчи энг оғир вазн бўйича WBC чемпиони унвонини қўлга киритгач, боксни тарк этмоқчи эканини билдирди. Ислом динини қабул қилган Уилямнинг фикрича, бокс билан шуғулла- ниш унинг диний эътиқодига зид келяпти. “Қуръ- онда инсон ўз қўлларини зиён етказиш учун иш- латмаслиги кераклиги ёзилган. Мен имоним учун боксни ташлайман ва бу қароримни амалга оши- ришга қатъий аҳд қилдим. Мен учун энг асосийси — Аллоҳ учун бокснинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Мен Парвардигор буюрган ишни қилишим лозим”, деб эътироф этди спортчи.

РИА “Новости”

Австралия масжидларида дуолар

Жума намозида Австралия масжидларида Ироқдаги жангларда қурбон бўлган тинч аҳолининг руҳи учун дуолар қилинди. Виктория штати имом- лар мажлиси ва Ислом кенгаши ана шундай та- шаббус билан чиқишди.

Ислом кенгаши президенти Ёсир Солиманнинг айтишича, иттифоқчи ҳарбий кучларнинг Ироққа қилган ҳужумидан кейин мамлакатда 30 мингдан 100 минггача тинч аҳоли қурбон бўлди. Муҳтож- ларга ёрдам берувчи ташкилотлар Фаллуждаги гу- манитар фожеанинг оқибати ҳақида огоҳлантириш- моқда.

Имомлар мажлиси котиби шайх Фаҳмий ал- Имом ҳам ўз навбатида, қурбон бўлган мўмин- муслмонлар руҳонияти учун ҳеч бўлмаса хайр- ли дуолар қилиш ҳар бир муслмоннинг бурчи экан- ини таъкидлаб ўтди. “Ўтган йили ҳалок бўлган- ларнинг адади ва муборак Рамазон ойида Фал- лужга ҳужум уюштирилиши бутун дунё муслмон- ларининг қалбини ларзага солди”, дея қўшимча қилди у.

Ёсир Солиман, шунингдек, беғуноҳ аҳолини ўлдиришни “ҳарбий зарурат” деган тушунча билан оқлаб бўлмаслигини айтди. “Ҳар бир беғуноҳ ин- соннинг ўлдирилиши адолатсизликдир ва бу бу- тун инсоният учун қилинган жиноятга тенг”, деб тушунтирди Ёсир Солиман.

The Australian

Болалар учун янги китоблар

Бу йилги Рамазонда АҚШда муслмон болалар учун Ислом дини ва Рамазон ҳақида тўлиқроқ маъ- лумот берувчи янги китоблар чоп этилди. Китоблар 6 ёшдан 9 ёшгача бўлган ўқувчиларга мўлжаллан- ган. Мери Меттюрнинг “Мажид Рамазонда рўза тутад- и” китобида саккиз ёшли мисрлик бола ҳақида ҳикоя қилинади. Кичкиналиги сабабли ота-онаси рухсат бермагани учун болакай бекитиқча рўза тутайди.

Диана Хойт-Голдсмитнинг “Рамазонни нишон- лаймиз” номли китобида эса муборак ой ёш бола- нинг дунёқараши орқали тасвирланади. Китоб му- сулмон оилаларнинг ҳаётини акс эттирувчи кўплаб фотосуратларни ўз ичига олган.

Таниқли ёзувчи Дэвид Макалаутнинг “Масжид” номли китобида ўн олтинчи асрда қурилган мас- жид ҳақида сўз боради. Воқеа тўқима бўлса-да, аниқ маълумотларга асосланган. Китоб ажойиб бе- закларга бой. Болалар бу китоб орқали ўрта аср усталарининг жуда жўн иш қуроллари билан қан- дай қилиб ҳашаматли масжидлар қурганларини билиб олишади. Янги нашрлар ичида Демининг “Муҳаммад” китоби ҳам алоҳида ажралиб туради. Китобда Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаёт йўллари болаларга хос содда ва қизиқарли шаклда ифодаланган.

The Free Lance Star


Исломий иқтисодиёт намунаси



Шу йил нўябр ойи охирида Масков миллатлар уйида “Исло- мий иқтисодиёт намунаси: муслмон ва номусулмон уюшмалар- даги амалиёт” мавзуида музока- ралар бўлиб ўтди. Тўгарак стол атрофида ўтган тадбирнинг кириш қисмида исломий иқтисодиёт гоёси, хусусан, муслмон бўлма- ган мамлакатда исломий банк иш- ларининг ютуқ ва камчиликлари, дунёвий давлатда исломий иқти- содиёт намунасини жорий этиш- нинг фойдали жиҳатлари, исло- мий суғурта, ворислик, вақф, давлат иқтисодиёти- да закотнинг аҳамияти каби масалалар кўрилди.

Йиғилишда Масков, Қозон, Уфа ва мамлакат- нинг бошқа минтақаларидаги исломшунослар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунос ва жамиятшунослар қатнашишди. Русия Федератсаси ташқи ишлар вазирлиги халқаро муносабатлар институти ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Ренат Бек- кин маърузаси билан қатнашди.

www.islam.ru



Холид МУҲАММАД ХОЛИД

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМНИНГ

Иккинчи Ақоба байъати чоғида етмиш нафар ансор саҳоба орасида очик-гўзал чеҳрали, тишлари оппоқ бир йигит бўлиб, унинг сокин ҳайбатидан кўзлар қувнар, сўзласа, ҳамманинг диққат-назарини тортар эди.

Бу йигит Муоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу) эдилар.

Демак, у Иккинчи Ақоба байъатида иштирок этган ансорлардан аввал Исломга ноил бўлган эди.

У имони, ишончи, Исломга аввал кирганлиги дoston бўларли киши эди. Муоз Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч бир бир ўринда, ҳеч бир фазотда узоқда қолмаган.

У тиниқ ақли ва ўткир заковати билан Умар ибн Хаттобга (розийаллоҳу анҳу) ўхшарди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни Яманга жўнатаётган пайтда сўрадилар:

“Нима билан ҳукм қиласан, эй Муоз?”

У шундай жавоб қилди:

“Аллоҳнинг китоби билан...”

П а й ғ а м б а р (алайҳиссалом) сўрадилар:

“Агар Аллоҳнинг китобида топмасанг-чи?”

Муоз айтди:

“Расулининг суннати билан ҳукм қиламан”.

Пайғамбар (алайҳиссалом) сўрадилар:

“Агар Расулининг суннати-дан ҳам топмасанг-чи?”

Муоз айтди:

“Ўз фикрим билан ижтиҳод этаман ва бунда қосирлик қилмайман”.

Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) муборак юзлари ёришиб кетди ва дедилар: “Расулulloҳнинг элчисини Расулulloҳ рози бўлар нарсага муваффақ қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”.

Ижтиҳодга қодирлиги, ақл-заковатини ишлатишдаги шижоати Расулнинг (алайҳиссалом) уни “Ҳалол ва ҳаромнинг би-

лимдони” деб сифатлашларига сабаб бўлди.

Оиз ибн Абдуллоҳ ҳикоя қилади: “Ҳазрати Умарнинг халифалик даврида саҳобалар билан бирга масжидга кирдим, тахминан ўттиз атрофида киши тўпланган мажлисга қўшилдим. Уларнинг бари Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадис сўзларди. Ҳалқада қорачадан келган, ширинсўз ва ёқимтой бир йигитни кўрдим. У қавмининг энг кичиги эди. Уларда ҳадисдан бир нарсада иштибоҳ туғилиб, ундан сўрашди ва у жавоб қилди. У фақат савол сўрашгандагина гапирарди. Мажлис тамом бўлганидан кейин унга яқин келиб: “Эй Аллоҳнинг бандаси, сен кимсан?” деб сўрадим. У: “Муоз ибн Жабалман”, деди”.

Абу Муслим ал-Хулоний ай-

тади: “Ҳумс” масжидига кирганимда ўрта ёшли бир тўп кишилар орасида тишлари оппоқ бир йигитни кўрдим. У гапирмай, жим турарди. Агар қавмда бирор нарсага иштибоҳ пайдо бўлса, унга юзланиб сўрашарди. Ёнимдаги кишидан: “Бу ким?” деб сўрадим. У: “Муоз ибн Жабал”, деди. Шунда унга нисбатан қалбимда муҳаббат пайдо бўлди”.

Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) ҳам кўп вақтларда ундан маслаҳат сўрар эдилар. Муознинг фикри ва фикҳидан ёрдам олган пайтларида: “Агар Муоз ибн Жабал бўлмаганида эди, Умар ҳалок бўларди”, дер эдилар.

Муоз доимо одамлар давра-

сида бўлса ҳам, фақат тингловчиларнинг унга шавқи бўлганидагина сўзлар эди. Агар бирор ишда ихтилоф туғилса, охирги сўзни айтиш учун Муозга мурожаат қилишар эди.

Замондошларидан бирининг таъбири билан айтилса: “Агар сўзласа, оғзидан гўё нур ва дур ёғиларди...”.

Муоз самимий қалб, гўзал хулқ соҳиби эди. Ундан бирор нарса сўралса, очиқкўнгиллик билан берар, сахийлиги учун кўпинча сўралганидан кўпроғини бериб юборарди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этган пайтларида Муоз Яманда мусулмонларга дин илмларини ўқитар эди...

Абу Бакр (розийаллоҳу анху) халифалик даврида Муоз Ямандан қайтди. Ҳазрати Умар

кучоқ очди ва кўзларидан ёш оқиб, шундай деди: “Бу кеч мен туш кўрдим. Катта сувда оқиб кетаётган эмишман. Чўкишдан кўрқиб турган пайтимда мени кутқариб қолдинг, эй Умар”.

Икковлон Ҳазрати Абу Бакрнинг олдида боришди. Муоз халифадан молини мусодара этишини сўради. Абу Бакр эса: “Сендан ҳеч нарса олмайман”, деди. Шунда Ҳазрати Умар Муозга: “Мана, ҳозир ҳалолу пок бўлди”, дедилар.

Муоз нопок йўллар билан бойлик тўплаганида муттақий Абу Бакр унга бирор дирҳам ҳам қолдирмаган бўларди.

Ҳазрати Умар ҳам Муозни тухмат ёки гумон билан айблаётган эмасдилар.

Дарҳақиқат, у давр “Ибратли инсонлар асри” эди. Улар забт этиш мумкин бўлган инсоф, адл

Ҳазрати Умар вафот қилаётганларида у зотдан: “Бизга аҳд этсанг, яъни, халифангни ихтиёр этсангу, биз унга байъат қилсак”, деб сўрашганида, у айтади: “Агар Муоз ибн Жабал тирик бўлганида эди, уни халифа этиб сайлардим. Раббим азза ва жалла мендан: “Уммати Муҳаммадга кимни халифа қилдинг”, деб сўраса, мен: “Пайғамбаримизнинг: “Муоз ибн Жабал қиёмат куни уламоларнинг имоми бўлади”, деганларини эшитганим учун Муозни уларга бошлиқ сайладим”, дея жавоб қилган бўлардим”.

Кунлардан бир кун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Эй Муоз, Аллоҳга қасамки, мен сени севаман. Ҳар намоздан кейин “Аллоҳим, менга Сени зикр этиш, шукр қилиш ва Сенгагина гўзал ибодат этишимда ёрдам бер”, демоқни унутма”.

“Аллоҳим, ёрдам бер...” Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам) одамлар бу улуғ маънони тушунсинлар учун доим дуода эдилар. Зеро, ҳол ҳам, қувват ҳам, таянч ҳам, кўмак ҳам фақат Улуғ Аллоҳдандир.

Муоз бу дарсни чуқур тушунди ва татбиқини ҳам ўринлатди.

Бир куни тонгда Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуч келган эди, у зот: “Тонгни қандай қаршиладинг, эй Муоз?” деб сўрадилар.

У деди: “Ҳақиқий мўмин ҳолимда қаршиладим, ё Расулulloҳ”.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Ҳар нарсанинг ҳақиқати бўлади. Имонингнинг ҳақиқати нима?”

ЭНГ БИЛИМДОНИ

Муознинг бойганини биларди. Шунинг учун унинг мол-мулкани солиққа тортишни халифа Абу Бакрга таклиф этди, Ҳазрати Умар халифанинг жавобини кутиб ўтирмай, тезда Муознинг уйига жўнади ва унга мақсадини айтди.

Муоз бойиган бўлса-да, кўли тоза, аҳди пок инсон эди. Унинг молига ҳаром кўшилмаган, шубҳа аралашмаган эди. Шунинг учун Умарга эътироз билдириб, сўзларини рад этди.

Ҳазрати Умар ортига қайтиб кетди...

Тонгда Муоз Ҳазрати Умарнинг ҳовлиси томон шошилиш борарди.

Ҳазрати Умарга етиб-етмай

чўққисига юксалиш учун мусобақа қилган қавм эдилар. Улар орасида айланиб, тез учувчи қуш ҳам, секин учувчи қуш ҳам, ўртача, мўътадил учувчи қуш ҳам бор эди... Лекин барчалари эзгулик карвонида сайр этишарди.

* * *

Ҳазрати Умар даврида Муоз ибн Жабал Шомга келди. Шом аҳли ва меҳмонларига фақиҳ ҳамда муаллим бўлиш учун сафар қилди. Шом амири ва Муознинг содиқ дўсти Абу Убайда вафот этганида, халифа унинг ўрнига Муозни тайинлади. Бир неча ойгина, Раббига тавозуъ ва инобат билан йўлиққунича шу мансабда ишлаб турди...

Муоз деди: “Ҳар тонгни қаршилаганимда ўйлайманки, энди сира кунни кеч қилолмасман. Ҳар кечаси ўйлайманки, энди ҳеч тонг оттиролмасман. Ҳар қадам босилганида ўйлайманки, энди кейинги қадам босилмас. Гўё мен ўз китобига чақирилиб, тиз чўкиб турган умматни кўриб тургандекман. Гўё мен жаннат аҳли жаннатда роҳатланаётганига, дўзах аҳли дўзахда азобланаётганига қараб тургандекман”.

Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Билибсан, бардам бўл”.

Ҳа... Муоз ибн Жабал ҳар нафаси, ҳар амали билан Аллоҳга таслим бўлган эди. Ундан бошқа бирор нарсани қалбига йўлатмасди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) уни сифатлаб, бу сўзларни жуда тўғри айтган: “Муоз йўлбошчи, Аллоҳга бўйсунган мустақим бир инсон эди. Биз уни Иброҳимга (алайҳиссалом) ўхшатар эдик”.

* * *

Муоз ибн Жабал илмга ва Аллоҳнинг зикрига даъватда собит эди. У зот одамларни фойдали, тўғри илмни қидиришга чақирарди: “Дононинг бузилишидан эҳтиёт бўлинг. Ҳақни ҳақ билан танинг. Чунки ҳақда нур бўлади!”

Муоз ибн Жабал ибодатнинг ўртача, мўътадил бўлишини маъқул кўрарди. Бир куни мусулмонлардан бири: “Менга билдиринг”, деди. Муоз ундан: “Ўргатганимга итоат қиласанми?” деб сўради. Бу одам: “Мен сизга итоат этишга иштиёқманман”, дея жавоб қилганида, Муоз айтди: “Рўза тут ва овқат ҳам егин. Намоз ўқи, ухлагин ҳам. Қўлга кирит, лекин гуноҳ қилма. Фақат мусулмон ҳолда вафот қил. Мазлумнинг ёмон дусидан эҳтиёт бўл!”

У зот илмни маърифат ва амал деб билар эди: “Ўрганмоқчи бўлган нарсангизни хоҳлаганингизча ўрганинг, то амал қилмагунингизча, Аллоҳ бу илмдан манфаат бермайди”, дер эди.

Муоз ибн Жабал доимо Аллоҳга имон ва Унинг зикри азиматига чорлаб, нафс сулуқини назорат қилар эди.

Асвад ибн Ҳилол айтади: “Муоз билан кетаётган эдик. Шунда у бизга: “Биз билан ўтиринг. Бир муддат имонлашамиз”, деди”.

Унинг кўп сукутда бўлиши сабабини руҳияти тубида, қалбида тинчланмаётган, тўхтамаётган тааммул ва тафаккур амалиётидан қидириш тўғри бўлади. Эслаб ўтилганидек, Муоз Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир қадам

босар экан, кейингисини боса олишига гумон қилишини айтган. Бу Аллоҳнинг зикрига ғарқ бўлиш, нафсни тинимсиз ҳисоб-китоб қилиб туриш аломати эди...

* * *

Муознинг ажали етди. У ҳали ўттиз уч ёшга тўлмаган эди.

Ўлим талвасасида шуурсизликдан ҳар бир жоннинг ҳақиқати юзага чиқади. Агар гапирришга кучи етса, иши ва ҳаётини хулосалайдиган сўзлар тилига келади.

Мана шундай лаҳзаларда Муоз ибн Жабал буюк мўминни кашф этувчи буюк сўзларни айтди. Осмонга тикилганича, раҳмли Раббига муножот қилиб, деди: “Аллоҳим, мен сендан кўрқар эдим. Лекин бугун Сендан умид этаман. Аллоҳим, Сен биласанки, мен дунёни анҳорлар оққани ёки дарахлар унгани учун севмадим. Уни ҳароратни туширмақ, умрни кечирмақ учун, илм, имон ва тоатда бўлмақ учун севдим!”

Ва гўё кучмоқчи бўлгандек қўлларини ёйди. Ҳушини йўқотар экан, деди: “Марҳабо, ўлим! Марҳабо, муҳтожликда келган ҳабиб!”

Мубашшир АҲМАД
таржимаси



ҚҰЙЛИҚ ОТА

Тошкентнинг Қўйлиқ бозорини кўпчилик яхши билади. Шу бозорнинг ўнг ёнида, шимолӣ қисми, шундоқ бозорга туташиб кетган жойда шарқона обида — боғчали бир ҳовли бор. Ичкарига кирсангиз мақбарага кўзингиз тушади. Ҳофиз Шайх Қўйлиқий мақбараси. Халқимиз бу зотни Қўйлиқ ота деб атайди.

Бундан тахминан олти аср олдин Самарқанд шаҳри яқинидаги Фазира қишлоғига Хоразм томонлардан бир киши кўчиб келади ва Нўғай ота номи билан атроф-жавонибга танилади. Унинг фарзандлари ҳам илми, тақводор кишилар эди. Катта ўғли Абдулхайхожа Худойдод Шайх Азизон Самарқанд музофотида катта эътибор қозонади. Унинг номи Яссавий тариқати силсиласида ўн биринчи ҳалқада зикр этилган.

Қўйлиқ отанинг оналари Бонукент Тошкентнинг Нўғай қишлоғига (ҳозирги Ўзгариш мавзегига) келин бўлиб тушади. Ислон илмидан анча хабардор бу мўмина аёл шариат қонун-қоидалари ва Қуръони каримдан аёлларга сабоқлар беради. Қишлоқ ободончилиги ва ҳимояси йўлида ҳам меҳнати сингиб, ўз ҳисобидан масжидлар қурдиради, ёшларни уйида ўқитади.

Шу хонадонда кўз очган Қўйлиқ ота Нўғай қўрғонида (ҳозирги Чилонзор тумани, ал-Хоразмий мавзеи) боболари, ота-онасидан Ислон асосларини ўрганади, тасаввуфга меҳри тушиб, яссавийа тариқати — зикрнинг жаҳрий йўлини мукамал эгаллайди. Сўнг Қўйлиқдаги масжидда имомлик қила бошлайди.

Фарғона билан Шош йўли устидаги Поррак (Чирчиқ) дарёсининг чап соҳилида серўт тўқайлар мўл бўлиб, кўп чорва боқилар, бошқа жойлардан келиб, шу ердан мол-қўй олишар, айниқса, қўйлар арзон бўлар эди. Халқ бу ерларни “Қўйлиқ” деб атай бошлайди. У замонлар дарёдан кема ва солларда ўтилган. 1520 — 1522 (ҳижрий 927 — 929) йилларда Тошкент ҳокими Келди Мухаммадхон дарёга ёғоч ва арқонлардан осма кўприк қурдиргач, бу жойлар янада гавжум бўлиб қолади. Бозор кенгаяди, карвонсаройлар кўпаяди.

Бу даврда Қўйлиқ ота ёш йигит эди. Бутунлай Қўйлиққа кўчиб келади. Имомликдан ташқари масжид ёнидаги хонақоҳда жаҳрий зикри илоҳийда шижоат кўрсатади. Шариат ва тариқатдан сабоқлар беради. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини куйга солдириб, ижро эттиради. Шунингдек, Қуръони каримни юзаки талқин қилувчиларга жавобан фикҳий ҳамда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва хулофои ро-

шидинлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи таъсирли рисоалар битади. Шу боис илм аҳли ўртасида Ҳофиз Шайх Қўйлиқий номи билан машҳур бўлади.

Ҳофиз Шайх Қўйлиқий тахминан 1564 (ҳижрий 983) йили вафот этади ва бозор ёнидаги қабристонга қўйилади. Ул зотнинг набираси Олим Шайх Азизон (вафоти 1631, Самарқанд ҳокими Имомқули Баҳодирхоннинг аълами) ва Тошкент қозиси Шайх Ҳофиз Поянда (бу одам ҳам Қўйлиқ ота қариндошларидан) биргаликда Қўйлиқий қабри устига мўъжазгина мақбара қурдиришади.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Қўйлиқ ота мақбараси бузилиб кетар ҳолга келади, сув остида қолиш хавфи туғилади. Шунингдек, дарё устига янги кўприк қурилиб, Фарғона йўлини унга тўғрилаш зарур бўлади. Шунда Қўйлиқ отанинг хоки бошқа жойга — ҳозирги ўрнига кўчирилади. Устидаги мақбара эса 1994 йилда бунёд этилган.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ
тайёрлади



КИЧКИНА УМАРНИНГ ҲИКОЯЛАРИ

Иккинчи ҳикоя

Бугунги футбол ўйинимиз жуда зўр бўлди. Лекин дадам ўтган ҳафта олиб берган янги тўп катта бир машина остида қолиб, ёрилди. Ҳаммамиз кайфиятимиз тушиб, уй-уйимизга тарқалдик.

Чанг-тупроққа беланган уст-бошимни, устига-устак, қўлимдаги ёрилган тўпни кўриб, онаминг жаҳллари чиқди.

— Ҳеч тинч юрмайсан-да, яна нима хунар кўрсатдинг? — деб танбеҳ бердилар.

Воқеани гапириб берганимда:

— Аллоҳ бир асрабди, қани, тезда кийимларингни алмаштир, бет-қўлингни юв. Ҳализамон даданг ҳам кепқоладилар, сен билан ўзлари бир гаплашмасалар, — дедилар.

Дадам дам олиш куни синглим Зайнаб билан қариндошларни зиёрат қилишга чиққан эдилар. Шомга яқин кириб келишди. Дадам ҳамма гапни кўчадаёқ

эшитган бўлсалар керак, қошларини уюб турардилар. Намоз вақти яқин қолгани учун, саломимга алик олиб, бошқа ҳеч нарса демадилар.

Намоз ўқиб бўлганимизда анча жаҳлларидан тушган эдилар. Мени ёнларига чақириб:

— Ўғлим, сени илгари ҳам огоҳлантирган эдим. Нега яна катта кўчага чиқиб тўп ўйнадинглар? Аллоҳ кўрсатмасин, бирортангиз машина остига кириб кетганингизда нима бўларди?

Мен эса гапиришга сўз тополмай, индамай бош эгиб турардим. Хонага кириб келган онам ҳам дадамнинг гапларини маъқуладилар.

— Кўни-кўшнилари безовта қилишга сира ҳаққингиз йўқ. Уйида хаста ётган ёки шовқинни хуш кўрмайдиган кишилар бор. Уларни хурмат қилишингиз лозим, — дедилар.

Зайнаб ҳам нимадир демоқчи бўлиб, рухсат сўрагандек, дадамга қараб қўйди. Дадам им қоқдилар.

— Агар акам хафа бўлмасалар, мен ҳам баъзи нарсаларни айтмоқчи эдим.

— Гапир, қизим, биз бир оиламиз, шундай бўлгач, ҳамма бир-бирининг хатоларини тузатиш учун қўлидан келганини қилиши керак, — дедилар дадам юмшоқлик билан.

— Кеча дугоналарим билан мактабдан қайтаётган эдик. Лекин пиёдалар йўлагиди ҳар хил нарса сотилаётганидан одам гавжум, бемалол юриб бўлмасди. Мажбур, катта йўлнинг четидан юрдик. Машиналар жуда тез, эҳтиёт бўлмасак, уриб кетиши ҳам мумкин. Йўлкада фақат сотувчилар эмас, ҳар хил қаҳвахонаю ошхоналар ҳам стол ва курсиларни чиқариб қўйган. Маҳаллага кираверишдаги кўп қаватли уйларнинг деразасидан бир аёл бир челақ сувни сепиб юборди. Четга қочиб қолмаганимизда ҳаммаёғимиз хўл бўларди. Айтиқса, сасиб ётган ахлат уюмларини кўриб, баттар таъбингиз хира бўлади.

Синглимнинг гапларини эшитиб турган дадам:

— Гапларингда жон бор, асал қизим, булар жуда жиддий муаммолар, лекин кўплар эътибор бермайди. Ҳолбуки, ҳар куни юрадиган кўчаларимизни тоза сақлаш ҳар биримизнинг вазифамиздир, — деб қўшимча қилдилар.

Мен йўл қўйган хатоимни тушуниб етдим, кўпроқ нарса биллиб олиш учун дадамга савол билан мурожаат қилдим:

— Бундан сўнг кўчада ўйнамайман, бошқаларнинг тинчини ҳам бузмасликка сўз бераман. Дадажон, кўпчилик кўчада юриш қоидаларини яхши билмайди. Кўчада юришнинг умумий қоидаси борми?

— Умар, сен саҳобаларнинг Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўраганлари бир саволни эслатдинг. Мадина у пайтларда ҳозиргидек кўркам эмасди. Кўчалар жуда сертупроқ бўлиб, одамлар ўтганида чанг-тўзон кўтариларди. Уйларнинг олдида иссиқдан сақланш учун айвончалар қурилар, уларда одамлар турли масалалар ҳақида гаплашишар, фикр алмашишар эди. Тупроқ йўлдан кўтарилган чанг-тўзон кишиларни беҳузур қиларди. Маълумки, бундай ҳолда микроблар ҳам ҳар ёққа ёйилиши мумкин. Нати-



жада улар бир қанча касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳолбуки, динимиз ҳар доим атроф-муҳитни тоза сақлашни буюради. Тозалик дегани фақат кишининг кийим-бошига тегишли эмас. Уйимиз олдини чиқиндилардан тозалаш, тилимизни ёмон сўзлардан сақлаш қабиладар ҳам покликдандир. Суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларнинг кўчада ўтиришларини кўриб, бу одат фойдали эмаслигини тушунтирдилар. Чунки бундай ўтиришлар кўпчиликни беҳузур қилиши мумкин. Чиндан ҳам шундай бўларди; одамлар йўлдан ўтишга қийналишар, ўтирганларнинг қарашларидан ноқулай аҳволга тушишар эди. Бундай жойларда кўпинча муҳим бўлмаган мавзуларда гаплашишарди. Шу сабабли ҳазрати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йўл бўйида ўтириб, вақтни беҳуда сарф қилишни тақиқлаб қўйдилар. Лекин вазият тақозоси билан ўтириш керак бўлиб қолса, уларга “йўлнинг ҳақ-қи”ни адо этишлари лозимлигини айт-дилар. Асҳоби киром: “Эй Аллоҳнинг Расули, “йўлнинг ҳаққи” нима?” деб сўраганида, Расули Ақрам шундай жавоб бердилар: “Кўзларингизни ҳар хил ёмон манзаралардан сақлашингиз, одамларга зарарингиз тегмаслиги керак. Сизга берилган саломга жавоб қайтаришингиз шарт. Ҳар доим инсонларга фойдаси тегадиган иш қилинг. Мана шулар йўлнинг ҳаққидир”.

Дадам бизга юзланиб:

— Болаларим, кўрдингизми, йўлда юриш-туришининг ўзига хос муҳим одоб ва қоидалари бор. Ҳамма нарса фақат тўп ўйнашга боғлиқ эмас. Бунга яхши тушуниб олишингизни истайман. Жаноби Ҳақ бизга яхши инсон бўлиш йўлларини ўргатсин, — дея сўзларини тугалладилар.

Маҳмуд МАҲКАМ
тайёрлади

Улуғ аллома боболаримизнинг илмий-маърифий мероси, юртимиздаги тарихий-маданий ёдгорликлар бутун дунёда, айниқса, Ислом оламида юксак қадрланади. Айни чоқда, бу улуғларнинг муносиб воқислари бўлган ўзбекистонлик заҳматкаш олимларга ҳам ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиши табиий ҳол.

танловининг совриндорлари эълон қилинди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар олимларининг мўъжаз ранг-тасвир, қадимшунослик, адабиётшунослик, санъатшунослик соҳаларидаги энг яхши асарлари мазкур танловга қўйилган эди. Таниқли олимлар: академик Музаффар Хайруллаев (мархум), Баҳром Абду-

ИМОМ БУХОРИЙ АВЛОДЛАРИГА



Кувайт халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистон бўлими ҳам бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Жамғарма ташаббуси билан Рамазон ҳайити арафасида Тошкентдаги Кувайт давлати элчихонасида ўтказилган тадбирга йиғилганлар шундай эътироф, эътиборнинг яна бир бор гувоҳи бўлдилар. Шу куни кувайтлик тадбиркор Абдул Азиз ал-Бабтейн таъсис этган “Имом ал-Бухорий авлодлари учун”

ҳалимов, Сурайё Каримова биринчи ўрин совриндорлари бўлишди. Иккинчи ўринни қирғизистонлик олимлар эгаллашди. Учинчи ўрин эса Азиз Қаюмов, Ботирбек Ҳасанов (мархум) ва Сайидбек Ҳасановларга насиб этди.

Мукофот ва эсдалик совғаларини Кувайт давлатининг



Ўзбекистондаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Валид Аҳмадал-Кандарий жаноблари топширди.

Мухбиримиз

ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ

Жанубий Қофқоз шарқида, Ҳазар денгизи ғарбида жойлашган Озарбойжон шимолда Доғистон Республикаси, шимоли-ғарбда Гуржистон, ғарбда Арманистон, жанубда Эрон ва жанубий-ғарбда Туркия (13 км узунликда) билан чегарадошдир. Мамлакат шарқидан 713 чақиримлик масофани Ҳазар денгизи ювиб туради. Бу диёр Катта ва Кичик Қофқоз тоғлари оралиғида, Осиё билан Оврупа қитъалари кесишган нуқтада бўлиб, азалдан маданий, тижорий, иқтисодий ва сиёсий фаолият марказидир.

Милоддан аввалги VII асрларда сакалар ва эскетлардан бўлмиш илк қабила ушбу юрт тупроғида яшаган. Сўнгра аварлар, узлар, пичаноқлар, қипчоқлар, алпагутлар, чиннилар, халачлар, турканлар бу ерга келишиб, давлат тузишган.

Озарбойжон Ҳазрати Умар халифалиги даврида (ҳижрий 22, милодий 642 йил) фатҳ этилган ва исломият тўла қарор топган. Ҳазрати Усмон Эрдебилни марказ қилиб, Озарбойжон шаҳарларига аскар жойлаштирган ва Ислоннинг ёйилишини тезлаштирган. Ҳазрати Алининг Озарбойжондаги ҳокими Эшас ибн Қайс ал-Кинди бир масжид қурдирган. Умавийлар бу ўлкадан Қофқоздаги фатҳ ҳаракатлари учун қароргоҳ сифатида фойдаланишган. Илгари баъзи бир қўшниларида анчайин орқада бўлган, мавқеи сезилмаган Озарбойжон Ислон даврида савдо-сотик ривожланган мамлакатга, шаҳарлари муҳим тижорат марказларига айланди.



Майдони: 86,6 минг км².

Аҳолиси: 8 милён 141 минг 400 киши.

Пойтахти: Боку шаҳри.

Давлат тузуми: республика.

Бошқаруви: президентлик.

Маъмурий тuzилиши: Нахичеван, Тоғли Қорабоғ Мухтор Жумхуриятлари, 13 та шаҳар, 74 та туман.

Йирик шаҳарлари: Ганжа, Сумгаит, Ленкоран, Мингечаур, Шеки, Куба, Али Байрамли.

Пул бирлиги: озарбойжон монати.

Унинг давлатчилик тарихида Ширвоншоҳлар (799 — 1656), Сакоғулдилар (879 — 930), Роввадийлар (X аср бошлари — 1071), Селларийлар (916 — 1090), Шаддодийлар (951 — 1075) ва Аҳмадийлар (1108 — 1227) каби маҳаллий сулолалар кичик-кичик салтанатларини ўрнатишган.

Кейинроқ Озарбойжонда салжуқийлар ҳукмрон бўлди, уларнинг вакили Отабелер 1146 йили бу юртга ҳоким бўлди. 1231 йилдан илхондилар ҳукмронлиги қарор топди. Сўнгра Озарбойжонни қорақуюндилар (1380 — 1468) ва оққуюндилар (1340 — 1514) бошқаришди. Оққуюнли давлати барҳам топгач, у тўлиқ сафавийлар қўлига ўтди. Шоҳ Исмоил (1901 — 1524) унга Табризни пойтахт қилди. Султон Сулаймон Чалдиран Зафарий (1541) Табриз ва Жанубий Озарбойжонни усмондилар салтанатига қўшиб олган бўлса-да, сўнг яна сафавийлар тасарруфига ўтди. Усмонли ва сафавий давлатлари ўртасида бу юрт учун урушлар узок давом этиб, Нодиршоҳ ўлимида (1747) кейингина Озарбойжонда сафавийлар даври тугади.

Усмонли ва сафавий давлатлари ўртасида бу юрт учун урушлар узок давом этиб, Нодиршоҳ ўлимида (1747) кейингина Озарбойжонда сафавийлар даври тугади.

XVIII аср охирида усмонли давлатининг ўлкадаги кучи ва таъсири сусайиши баробарида Русия босқини хавфи кучайди. Мамлакат транзит савдо марказига айлангани, хом-ашё бойликларига сероблиги, қолаверса, Қофқоздаги сиёсий муҳитда муҳим мавқе эгаллаши Русиянинг Озарбойжонга ҳужум қилишига сабаб бўлди. Русия 1805 йили жанг билан Ганжа хонлигини қўлга киритди. Русия — Эрон уруши (1803 — 1813) ниҳоясида эришилган Гулистон сулҳи (1813), Туркманчай (Табриз яқинида) сулҳи (1828) ва Туркия — Русия уруши сўнгида имзоланган Эдирна сулҳи (1829) билан ушбу мамлакат ўзаро тақсимланди. Аракс дарёсининг ўнг қирғоғи билан мамлакат худудининг учдан икки қисмини ўз ичига олган Жанубий Озарбойжон Эрон тасарруфига, Аракс дарёсининг чап қирғоғи билан Шимолий Озарбойжон Русия ихтиёрига ўтди. Шундан сўнг Русия Қорабоғ ва Ереванга мунтазам равишда қўшин жойлаштираверди. Шу аснода озарлар илк бора иккига ажратилди: Жанубий Озарбойжонда Эрон ҳукмронлиги қарор топди, Шимолий Озарбойжон Русия иштирокида идора қилинди.

1830 — 1850 йиллари чор Русияси ўлкани ўз мустамлакасига айлантириб ижтимоий ва маданий ҳаётга ҳам аралашди. 1917 йилги ўктябр тўнтаришидан сўнг Озарбойжон ва Қофқоздаги шўро мухолифати қўшилиб, даҳрийларга қаршилиқ ҳаракати пайдо бўлди. Ҳаракатнинг “Сойм” мажлисида Озарбойжон Мусовот фирқаси ичида мусулмонлар гуруҳи таркиб топди. 1918 йил 28 майда Озарбойжон Миллий Шўроси ўрнида Озарбойжон Демократик Республикаси эълон қилинди. Президент этиб Муҳаммад Амин Расулзода сайланди. Бу даврда Озарбойжон давлати бир томондан ички зиддият-



лар билан банд, иккинчи томондан Русия, Арманистон, Эрон хужумларига қарши курашишга мажбур эди. Шу боис Туркия ҳукуматидан ёрдам сўради. Икки томон Ботумида ҳамкорлик битими тузди. Унга кўра, ички ва ташқи осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Туркия аскарлари Озарбойжонга киритилди, Нури Пошшо кўмондонлигидаги Қофқоз Ислому қўшини Бокуга келди. Бу воқеа ғарб давлатлари ушбу мамлакатдаги бой нефт манбаларини излаётган бир даврга тўғри келгани боис, турк армиясини худуддан чиқариб юбориш ниятида муҳолиф томонга олмонлар ва инглизлар ҳам қўшилишди.

Мондроз сулҳидан сўнг Туркия аскарлари Бокудан чиқиши ҳаманоқ шаҳарни инглизлар эгаллади. Ерости бойликларини ўзлаштиришга киришилди. Тўхтовсиз беқарорлик ҳукм сургани учун янги замон илк мустақил озар давлати 23 ойгина яшади. Қизиллар қўшини ўлкани тўлиқ ишғол этгач, Озарбойжон Совет Сўтсиалистик Республикаси (1320 йил 27 апрел) ташкил топди. Икки йилдан кейин у (1922 йил 12 март) Қофқозорти Совет Федератив Сўтсиалистик Республикасининг, 1936 йилдан эса Совет Сўтсиалистик Республикалари Иттифоқининг бир аъзоси бўлди.

1990 йилдан Озарбойжонда эркинликка иштиёқ кучайди, халқнинг ҳурликка интилиши ўша йили 19—20 ўктябрда Совет қўшинлари томонидан қон-

ли тарзда бостирилса-да, бу хоҳиш-истак йўқолмади. 1991 йили мамлакат яна миллий мустақиллигини эълон қилди ва давлат байроғига Озарбойжон Демократик Республикаси (1918 — 1920) байроғининг расмини туширди. Илк бора демократик тарзда ўтган умумхалқ президентлик сайловида (1992) Абулфайз Элчибей галаба қозонди. Унинг бир йиллик раҳбарлиги даврида лотин алифбосига ўтилди, Конституцияда озарбойжон тили давлат тили деб белгилаб қўйилди, миллий пул бирлиги — монат муомалага киритилди. Мамлакат БМТга аъзо бўлди, хорижий давлатлар билан алоқалар ўрнатилди.

Озарбойжонда 22 та университет, кўплаб институтлар ва академия фаолият кўрсатмоқда. Кутубхона ва музейлари жамғармаси жуда бой.

Мамлакат аҳолисининг 91,5 фоизини мусулмонлар ташкил қилади. Уларнинг тахминан 60 фоиздан кўпи шиша мазҳабига мансуб, қолганлари суннийлардир. Қофқоз мусулмонлари диний идораси Боку шаҳрида жойлашган, уни Шайхулислом бошқаради. 1980 йилдан бери бу вазифани Оллоҳшукур Пошшо-зода бажармоқда. 1823 йили Гуржистон пойтахти Тифлисида очилган бу диний идора 1919 йилга қадар шу ерда фаолият олиб борди, 1919 — 1920 йилларда Бокуда иш юритди. 1920 йили ёпилган бўлса, 1943 йилда қайта ташкил этилди.

Бугунги кунда Қофқоз мусулмонлари диний идораси алоҳида-алоҳида иш юритувчи диний идора, илмий ва диний Кенгаш ҳамда қозилар кенгашидан иборат. 2000 йилда ташкил топган илмий ва диний Кенгашга 23 аъзонинг аксарияти академиклар ва ёзувчилардир. 1943 йилда тузилган ва ҳозирда 29 кишидан таркиб топган қозилар кенга-



шига Шайхулислом раҳбарлик қилади.

Аҳолининг 90 фоизини озарбойжонлар, қолган 10 фоизини ўрис, армани, лазгин, авар, тотор ва гуржилар ташкил этади. Аҳолининг тахминан 40 фоизи Анушервон ярим оролида жойлашган пойтахт Бокуда ва унинг теваарагида яшайди. 49,2 фоиз аҳоли қишлоқларда истиқомат қилади. Жами аҳолининг 38 фоизи деҳқончилик, 20 фоизи саноат жабҳаларида ишлайди, 42 фоизи эса хизматчилардир. Нуфуси ҳар йили 0,9 фоизга кўпаймоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг негизини деҳқончилик, чорваллик, табиий қазилмалар, саноат, энергия ва ташқи савдо ташкил қилади. Нефт ва табиий газ унинг энг катта ерости бойликлари ҳисобланади.

Озарбойжон гўзал боғлари, текисликлари, дарёлари, кўллари, маъданли сувлари, хуллас, бетакрор табиати, бой тарихи билан етти иқлим сайёҳларини тобора ўзига жалб этмоқда.

Эргаш ИБРОҲИМ
тайёрлади





(қайтара олгунча) ўқи. Агар Қуръон сени тўхтата олмаса, демак, сен (Қуръон) ўқимабсан” (*Табароний Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилган*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Қуръон ҳаром қилган нарсаларни ҳалол деб билган кимса Қуръонга имон келтирмабди” (*Термизий Суҳайбдан ривоят қилган*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) айтадилар: “Қуръонни кўтарган киши

ҚУРЪОН ТИЛОВАТИ ОДОБЛАРИ

Қуръони карим Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орқали инсониятга юборган ваҳийи, дунё ва охиратга тегишли илоҳий кўрсатмалари, ҳақ каломидир. Бандаларни тўғри йўлга, ҳидоятга бошловчи, уларга дин ва шариатни ўргатувчи Китоби, Ўз Расулига нозил қилган энг буюк мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам уни ўқиш ибодат саналади. Бу ҳол Қуръонни ўқиётган қорига маълум масъулият, тиловат одобларига риоя этиш вазифасини юклайди.

Энг аввало, Қуръонни тартил билан (дона-дона қилиб) тиловат қилиш лозим. Аллоҳ таоло Ўз Расулига: “**Қуръонни тартил билан тиловат қилинг!**” деб буюрган (*Муззаммил, 4*).

Яна Аллоҳ таоло марҳамат этади: “**Сиз Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришингиз учун Биз уни бўлакларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик**” (*Ал-Исро, 106*).

Қуръон ўқувчи киши эр-

тами-кечми, мусофирми-муқимми, доим ўқиб туриши керак. Салафларимиз Қуръонни ойда бир ёки етти-саккиз кунда бир хатм қилишган, бир кечада ёки бир кунда хатм қилувчилар ҳам бўлган.

Қуръон ўқувчи қироат одобларига катта аҳамият бериши лозим. Аввало, қироатда ихлосли бўлиш, Аллоҳнинг розилигини иташ, Қуръон хулқи билан хулқланиш, зеҳни бир жойга тўплаб, маъноларни тадаббур қилиш талаб этилади.

Қориларнинг одоби ҳақида Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча ҳадиси шарифлар ворид бўлган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Бу уммат мунофиқларининг энг кўпи (уларнинг) қорилари орасидадир” (*Имом Аҳмад Уқба ибн Омирдан ва Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилган*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна айтдилар: “Қуръон сени (гуноҳлардан) тўхтата олгунча

одамлар ухлаб ётганларида кечаси бедор бўлиши билан, одамлар дунё билан машғул пайтларида уйғоқлиги билан, одамлар севиниб юрганларида маҳзунлиги билан, одамлар (дунё каломига) шўнғиган пайтларида (Аллоҳдан) кўрқуви билан танилмоғи лозим. У тошбағир ва тортишувчи, бақириб-чақирувчи, қаттиққўл бўлмаслиги керак”.

Қалбга боғлиқ ботиний одоблар ўнтадир:

1. Каломнинг аслини билиш. Яъни, қироат қилинаётган Каломнинг буюклигию олийлигини ҳис қила билиш. Аллоҳ таолонинг махлуқларига бўлган фазлини ҳис қила билиш. Яъни, биз инсонларга тушунарли қилиб, Ўз фазли-карами билан хитоб қилишини англаш.

2. Таъзим. Нозил қилинган Қуръоннинг улуглигини қалбга жо этиб, бу Сўз башарнинг сўзи эмаслигини ҳис қилиш. Бу нарсага Аллоҳ таолонинг сифатлари, улуглиги ва қудратни тафаккур қилиш билан эришилади.

3. Қалб ҳузури. Тиловат асносида кибрни синдириш. Бу нарса “таъзим”дан ҳосил бўлади. Аллоҳнинг Сўзини улуғ деб билиш кўп яхшиликларга олиб келади, ғофил бўлиб қолишдан сақлайди.

4. Тадаббур. Зеро, тушунмасдан ва тадаббурсиз ўқишдан тушуниб, тадаббур этиб ўқишнинг афзаллиги очиқ аёндыр. Тадаббур оятлар маъноларини илғаб, билиб олишга ҳаракат қилишдыр. Чунки оламларнинг Рабби Аллоҳнинг амрларига итоат уларни фаҳмлаб, тадаббур қилганидан сўнг яхшироқ бўлади.

5. Тафаҳхул. Қалбни оятлар мазмунига мос тута олиш. Аллоҳнинг исму сифатлари маъносини, қудратини ҳис эта олиш, пайғамбарларнинг аҳволлари: қандай қилиб ёлғончига чиқарилганлар, қандай таъқиб этилганлар ва баъзилари қандай қатл қилинганлар, шунингдек, уларни ёлғончига чиқарганларнинг аянчли аҳволдан, Аллоҳ таолонинг уларга туширган азобларидан ибрат олиш лозим.

6. Тахсис. Қуръондаги илоҳий хитобларни қорининг ўзига қаратилган деб ҳис қила олиши. Яъни, Аллоҳ менга шуни буюрди ёки бу ишдан мени қайтарыпти дея ўзига хослаши.

7. Таассур. Тиловат қилинаётган оятлардан таъсирланиш: азоб оятларига келганида қўрққан ҳолда бўйин эгиб, секинлаши; ваъда, раҳмат оятларига келганида хурсанд бўлиши; Аллоҳнинг зикри ва исму сифатлари келганида бўйинсунган ҳолда бош эгиши; кофирлар ва уларнинг одобсизликлари зикри келганида овозини пасайтириб, уларнинг қилаётган ёмонликларига қалби-

дан ҳаё қила олиши; жаннат васфи келганида унга муштоқ бўлиши; дўзах зикри келганида қалби қўрқувдан титраши.

8. Тараққий. Қорининг ҳолати худди Аллоҳ таоло ҳузурида туриб, ўқиб бераётгандек бўлсин. Қалби Аллоҳ таоло уни кўриб турибди, унга хитоб қиляпти, неъмату эҳсонлари ҳақида ундан сўраяпти, деб гувоҳлик берсин.

9. Тахаллий. Қуръонни фаҳмлашга тўсқинлик қиладиган, яъни, маъноларни тарк қилиб, бутун эътиборини фақат тажвидга қаратиш, ёки одамларга ёқиш, ёки дунёни ҳаёл қилиш каби монъелардан холи бўлиш..

10. Табаррий. Ўзини ожиз билиб, синиқ бўлиш. Зеро, куч-қудрат фақат Аллоҳникидыр. Нафсим пок, нафсимдан розиман деган гумондан узоқ бўлиш.

Қуръони каримни тиловат қилишнинг зоҳирий одоблари ҳам **ўнтадыр.** Имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ихёу улумид-дин” асаридан келтирилишича, буларнинг *биринчиси* қорининг ҳолати ҳақидадыр. Қори Қуръон тиловат қилаётганида одоб ва сукунат ҳолатида, таҳорат билан, тоза кийим ва пок жойда, тишларини мисвок билан тозалаган бўлиши, тик турган ёки ўтирган ҳолатда қиблага юзланиб, бошини эгган ҳолда бўлиши лозим. Чордона қуриб, суяниб, мутакаббирлик ҳолатида ўтирмаслик, танҳо ўтирганида ҳам ўзини устоз ҳузурида ўтирган каби тутиши керак.

Зоҳирий одобларнинг *иккинчиси* — қироатнинг миқдори, *учинчиси* — уни тақсимлаш турлари, *тўртинчиси* — Қуръонни ёзишга оиддыр.

Яна унинг одобларидан *бешинчиси* — тартил ҳақида. Қуръон қироатида тартил мустаҳаб, оятларни ўқишдан мақсад тафаккур бўлгани учун тартил бунга ёрдам беради.

Олтинчи одоб эса, Қуръон ўқиётганида кишининг йиғламоғи мустаҳабдыр. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Қуръон тиловат қиларкансизлар, йиғланглар, агар йиғлай олмасангиз, йиғламсираган ҳолда ўқинглар” (*Ибн Можжа Саъд ибн Абу Ваққосдан ривоят қилган*). Яна Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Қуръонни оҳанг (хузн) билан ўқимаган биздан эмасдыр” (*Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган*).

Еттинчи одоб — оятлар ҳаққига риоя қилиш, *саккинчинчи* — уни “**Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир-рожийм**” билан бошлаш, *тўққизинчи* — овоз чиқариб ўқиш ва ниҳоят *ўнинчи* — Қуръонни чиройли ўқиш, унинг назмини бузиб юборадиган даражада овозни ортиқча баланд қилмай, оҳиста, тартил билан ўқиш.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат этади: “**Албатта бу эслатмани** (яъни, Қуръонни) **Биз ўзимиз нозил қилдик ва, шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз**” (*Ҳижр, 9*). Қуръони каримни қалбларда ва мусхафларда сақлашнинг йўли — уни давомли равишда ўқиб туриш, тиловат одоблари ва шартлари узра доимо қоим бўлиш билан ўқиб-ўрганиш ҳамда ундаги ботиний ва зоҳирий одобларга риоя қилишдыр.

Жаҳонгир НЕЪМАТОВ,
*Тошкент шарқшунослик
институтини магистранти*

ДУНЁҚАРАШИМНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРДИ

“Гурфа”га муносиб бўлайлик

Қуръони карим Фурқон су-
раси тафсирини ўқиб, қаттиқ
таъсирландим. Аллоҳ таоло сура-
нинг 63—74-оятларида мўмин-
ларнинг ўн бир сифати ҳақида
марҳамат қилиб, шу сифат эга-
ларига “**гурфа**” — жаннатдаги
мақоми юксак хос бир хона би-
лан мукофотланиш хабарини
беради ва: “...унда табрик ва са-
лом билан қаршиланур” (Фурқ-
он, 75), дея марҳамат қилади.
Яъни, фаришталар уларни салом
бериб, юксак ҳурмат ва эҳти-
ром билан кутиб оладилар. “**Улар
ўшанда абадий қолурлар. У қан-
дай ҳам гўзал қароргоҳ ва ман-
зилдир**” (Фур-қон, 76).

Аллоҳ таоло мўминларга на-
қадар меҳрибон Зот. Холиқимиз
бандаларнинг бу дунёдаги яхши
амаллари эвазига боқий оламда
юксак мақомларни ваъда қилган
экан, ўша саодатли манзилларга
ошиқмай, гўзал сифатларга ноил
бўлиши учун жидду жаҳд қил-
май, дангасалик, эринчоқлик
қилишимиз инсофдан эмас.

Шоҳижаҳон АЛИШЕР ўғли,
Ширмонбулоқ

Келажакка умид билан яшайлик

“Мустақиллик нима берди?”

“Шахсан менга, ҳеч нима...”

“Авваллари зўр яшар эдик.
Уйингда қоп-қоп ун, шакар,
ёғ... Болаларнинг қорни тўқ,
эгни бут эди...”

“Хўп замонда яшаган экан-
миз-да!”

“Нимасини айтасиз, ўрис-
ларнинг замони яхши эди...”

Йўлакда менга изма-из ке-
лаётган аёлларнинг суҳбати бе-
малол эшитиларди. Беихтиёр
орқага ўгираламан. Сатангина
кийинган ўрта ёшли икки аёл.

Қадамларим ўз-ўзидан се-
кинлашди. Энди уларнинг суҳ-
батини эшитгим келмасди.

Нега бу аёллар ўтмишнинг
мусулмонобод даврларини соғи-
нишмайди. Хур, эркин, имон-
эътиқод, ҳалоллик, покизалик,
тақво яшнаган замонни соғин-
май, асоратда, қулликда, даҳ-
рийлик ҳукм сурган бир давр-
ни қўмсашади?!

Бугун қорнинг тўқ, эгнинг
бут бўлмаса, мустақилликнинг
нима айби бор? Ҳамма айб ўзи-
мизда! Ўзимизнинг қусур, но-
қис ақлу нафсимизда-ку!

Наҳот баъзи юртдошларимиз
учун мустақиллик шунчалар
қийматсиз бўлса?! Бу тупроқ, бу
замин — бой тарих бу кун ўзи-
мизники! Сен унда бугун эркин
яшайсан, бемалол ҳайқира ола-
сан, динингни, удумингни ҳа-
ётингга татбиқ эта оласан. Аж-
лодларинг руҳи, хоки сен ва ав-
лодларинг билан ёнма-ён. Шу-
нинг ўзи саодат эмасми?! Хур,



эркин, тарихи бой миллатнинг
келажаккага умид билан яшайлик.

Улугбек АБДУЛЛА ўғли,
Ширмонбулоқ

Шукрона

Мен Сариосиё туманидаги
Шархун қўмир конида ишлай-
ман. Бир неча йилдан бери “Ҳи-
доят” журналинини ўқиб бораман.
Журнал мутолааси дунёқара-
шимни тубдан ўзгартириб
юборди.

Мен ҳам аввал ўрта мактаб-
да, сўнг институтда даҳрийлик
руҳида таълим олиб, улгайдим.
Ботил гоёлар қонимга шунчалар
сингиб кетган эканки, ҳатто
Аллоҳ йўқ, дин афюнدير, Қуръ-
он уйдирма, десалар, чиппа-чип
ишонибман. Ота-онам ва бошқа
кексаларнинг панд-насихатларига
қулоқ осмай, уларни қолақлик-
да, тушунмаганликда айблабман.

Бу гумроҳлик, билмадим,
қачонгача давом этарди. Аллоҳ
таолога шукроналар бўлсинки,
юртимиз мустақил бўлди. Дини-
мизга йўл очилди. Менинг ҳам
қалб кўзим шу тотли лаҳзалар
эвазига равшанлашди. Ҳақни та-
нишимда “Ҳидоят” журнали
қўмакка келди, менга ҳидоят
йўлини кўрсатди. Журнални ўқиб
қанчалик залолатда яшаганим-
ни англадим. Энди беҳуда со-
врилган умримга ачинаман...

Ҳозир беш маҳал намоз
ўқийман. Жума намозларини
канда қилмайман. Ибодатлар
қилиб, дунё ташвишларидан
фориф бўламан. Қусурларимни
енгишга ҳаракат қиламан. Уйда
ҳаммамиз журнални севиб ўқий-
миз. Корхонамизда кўп киши
журналга обуна бўлди. Муҳими,
ҳамкасбларим журнални севиша-
ди, ҳар сонини интиқлик билан
кутишади.

Сувонкул КЕНЖАЕВ,
Сариосиё

манзиллари каби бузилиб, йўқ бўлиб кетмайди», деганлар. Юзлаб, минглаб зиёратчиларнинг айнан ўша жойда ибодат қилишга иштиёқмандликларининг сабаби ҳам шундадир.

Шом намозининг вақти кирди. Азон эшитилди. Инсониятни ҳақ йўлга бошлаган кишининг масжиди тавҳид шаҳодати билан тўлган. Барча ўрнидан туриб, намозга сафланди. Кўзим ногаҳонда ғайриоддий қарияга тушди. У оқ саллада, эгнига тилларанг нақшли араб кўйлагини кийиб олган эди. Қария сафлар

Мен бир неча сантиметрга сурилдим ва чол бизнинг орамизга қандайдир йўл билан жойлашиб олди.

Намоздан сўнг қария ён-атрофдагилар билан қўл бериб кўришар ва:

— Ибодатимизни Аллоҳ қабул этсин, — деб такрорлар эди.

Унинг ишларига фақат менгина ҳайратланмадим, менгина қойил қолмадим. Ҳатто жой ҳақида баҳслашган ўнг томондаги кўшним ҳам қизиқиб қолди:

— Ҳожи, сиз қаердансиз? — деб сўради.

Чол бармоғи билан ерни кўрсатиб:

— Бу ердан, — деди.

— Ҳа, саудияликмисиз?

Мен эсам, суннат намозини ўқиш учун сал нарига сурилган қариянинг ортидан боқиб, унинг жавобини бошқача тушундим.

“Машааллоҳ! Ажойиб одам!” деган ўй ўтди қалбимдан.

Умра зиёратидан қайтганимга анча вақт бўлган эса-да, унинг оддий, бироқ доно сўзлари ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглаб турибди: «Сен менга юрагиндан жой топгин, ўшанда мана шу ерга иккаламиз ҳам сиғишимизни кўрасан!»

Биродарлар, келинг, ҳаётда ҳамиша атрофдагиларни иззат-ҳурмат қилиб, уларга юрагимиздан жой топишга ҳаракат қилайлик. Уларни қандай бўлсалар, ўшандай қабул қилайлик. Кенг-фёъл, бағрикенг бўлайлик.

Бу билан ҳеч нарса йўқотмаймиз. Аксинча, кўшимча савобларга эришамиз. Бир биродаримизнинг Аллоҳ йўлидаги холис нияти амалга ошишига сабабчи бўлиб қоламиз. Бу ҳам одамийлик.

Ёқуб УМАР
таржумаси,
Янгуер

ЮРАКДАГИ ЖОЙ

Ислом оламида Мадина шаҳри ва у ернинг юраги саналмиш Пайғамбаримиз масжиди алоҳида ўрин тутлади. Ахир, фақат шу масжиддагина Жаннатнинг бир қисми бор! Бу жой “Равза” (“Боғ”) деб аталади. У Расули Акрамининг (соллаллоху алайҳи ва саллам) минбарлари билан яшаган хужралари орасидир. Ўша жойга Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) дафн этилганлар.

Биз мўминлар Ер юзиде Равзадан бошқа жаннат бўлаги йўқлигига имон келтиришимиз лозим. Шунингдек, дунёда бизнинг Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) бошқа биронта пайғамбарнинг яшаган уйи ва дафн этилган жойи аниқ эмас.

Ҳадисда: «Менинг уйим ва минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ бор», дейилади.

Баъзи уламолар бу ҳадисга асосланиб, Мадина Маккадан ҳам мўтабарроқмикин, деган хулосалар чиқаришган. Масалан, Имом Молик: “Бу жой (Равза) худди жаннатдагидекдир. Равза ер юзининг бошқа

орасидан олдинга ўтиб, Равзада намоз ўқишга ҳаракат қиларди. Ниҳоят, у менинг ёнимгача келди, менга қараб:

— Озгина сурилсанг-чи, ўғлим, — деди.

— Ахир, кўриб турибсиз, жуда тикилинч-ку! — дедим мен унга жавобан.

Шунда чол илтимос оҳангида, аммо қатъият билан деди:

— Ўғлим, сен менга ўз юрагиндан жой топгин, ўшанда мана шу ерга иккаламиз ҳам сиғишимизни кўрасан!

Унинг бу сўзлари юрагидан чиққани учун тўғри менинг ҳам юрагимга ўрнашди.

Шу орада мендан ўнг томонда турган киши ҳам қарияга жой йўқлигини тушунтира бошлади. Аммо ғаройиб қария уни ҳам кўндиришга уринди:

— Бўтам, сафдаги тикилинчлик Аллоҳнинг марҳаматидир.

Намозга иқомат айтилди.

— Барчамиз Муҳаммадни (саллаллоху алайҳи ва саллам) ёдга олайлик, — дедим мен.

— Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммад, — дейишди улар ҳам.

Қуръони карим Аллоҳ таолонинг муқаддас, мўъжиз каломи, Суюкли Пайғамбари, Хотамун-Набий Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳий ўлароқ нозил қилган илоҳий амр ва наҳийларидир. Тиловат қилиш, ўрганиш ва амал қилиш учун юборилган илоҳий дастур. Қуръонсиз Ислом ҳам, имон ҳам бўлмайди.

Ҳадисда фарзандини қори қилиб етиштирган ота-онага қиёматда нурдан тож кийдирилиши хабари берилган. Улуғлардан бири “Агар ҳофизул Қуръон: “Мендан ҳам Аллоҳ неъматига кўпроқ мушарраф бўлган одам бормикин?” деб ўйласа, хато қилибди”, деган экан.

Диёримиз ҳам ўз қорилари билан шухрат қозонган. Тажвид ва араб савтини ўзлаштириш бўйича дунё мамлакатларининг нисбий жадвалида Ўзбекистоннинг Миср, Сурия, Ўрдун, Эрон каби мамлакатлардан сўнг фахрли олтинчи ўринни эгаллаб келаётгани ҳам бежиз эмас.

Кўпсонли мухлисларимизнинг талаб-истакларини инобатга олиб, машҳур қорилар ҳақида мунтазам мақолалар бериб боришни ният қилдик. Андижоннинг Ҳаканидан чиққан, Қуръони каримни ғоятда чиройли қироат қилгани учун Довуди Соний номини олган Довудхон тўра Маккада элик йил туриб, дарс айтганлар. Кейин Андижонга қайтиб келиб, юрти-мизда Қуръоннинг тажвид билан ўқилишини тиклаган биринчи устозлардан бўлганлар. Афсуски, маълумотлар камлиги туфайли бу зотнинг ҳаётларини батафсил ёрита ола-маймиз. Шунинг учун мақолаларнинг биринчиси қориларимизнинг устози ва ўтган асрнинг 20-йилларида Саудия Арабистонидан берилган махсус ёрлиқ билан тасдиқланган ҳолда қироат соҳибларининг олтин силсиласига кирган Рўзи қори ибн Абдулбоқийга бағишлана-ди. Ушбуларни ҳозирда Тошкентнинг Чорсу даҳасида истиқомат тутган, ёшлари юздан ошган Абдулазиз қори ота сўзлаб бердилар.

АБДУЛАЗИЗ қори ота:

“РЎЗИ ҚОРИ УСТОЗИМ ЭДИЛАР”



Устозим Рўзи қори домла 1858 йили Андижоннинг Асакасидаги Қизилоёқ мавзеида таваллуд топган эканлар. Талаби илм билан Тошкентга келадилар, Шайх Хованд Тоҳур авлодидан машҳур Ашрафхон ва Машраб-

ҳам кўрганлар. Хотинлари вафот этганидан кейин 1888 йили ўттиз ёшда биродарлари Пирмуҳаммад қори билан ҳаж сафарига отланишади. Рўзи қори домла-миз Маккада тўрт йилча туриб қоладилар. Рўзи қори шаҳардаги улус

хон қозилар хонадонидан Қуръони каримни ҳифз этганлар. Мураттаб қори бўлиб етишганлар. Бир кечада Қуръони каримни хатм қилар эканлар.

Кейин Қўқонга қайтиб, шу ердаги мадрасада мударрислик қилганлар. Уйланиб, бир фарзанд

алломалардан таҳсил оладилар, замонанинг мужтаҳид олим бўлиб етишадилар. Асосий устозлари маккалик Шайх Ҳасан бўлган. Бу зот Масжид ул-Ҳарамдаги бир устун тагида етмиш йил талабаларга дарс берганлар. Ҳатто бу зотни Миср президенти Анвар Саодат мамлакатига таклиф этиб, кўп эхтиромлар кўрсатган экан. Шайх Ҳасан ҳазратлари 136 ёшга кириб вафот этганлар.

Рўзи қори домла Маккада юрганларида башорат бўлади: тушларида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юртга қайтиб боришни ва ватандошларига илм тарқатишни буюрадилар. Маккадан Бухорога қайтган устозим шаҳардаги Масжиди Калон ва Мадрасаи дастурхонда толибларга дарс бера бошлайдилар. Қори домла-миз зуҳд-тақво-

да ном чиқарган эдилар. Жуда қаноатли, тамкинли, хокисор, дунё молидан этак силккан, озгина нарса билан кифояланадиган зот эдилар. Риёзатнинг кучлилигидан этлари устихонларига ёпишиб кетган эди. Қуръони каримнинг ҳурматида бирор марта оёқларини узатмай, фақат чўккалаб ўтирардилар. Дастурхонларида оғизни намлаб туриш учун бир чойнак чой билан нафсни алдаб қўйишга бир ҳовуч майиз бўларди, холос. Тўй-маъракаларга чорлаб юборилган таклифномалар тахланиб кетса-да, бирортасига бормасдилар. “Ўрнимга биронта камбағал муллаваччанинг қорнини тўйғазинлар”, дер эдилар. Тишлари умрларининг охиригача бус-бутун бўлган. Барот кечасида юз ракат намоз ўқирдилар.

1920 йили ўрис босқинчиларининг Бухорои шарифга бостириб кириши Исломи дини, мусулмонлар учун чексиз кулфат, катта фожиа бўлиши биробарида Рўзи қори ҳаётларини ҳам остинустин қилиб юборди. Алдов-фитналар билан Бухорога кириб олган босқинчилар амирни мағлуб этганидан кейин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қатлиомни бошлашди. Оддий фуқаролар у ёқда турсин, машҳур уламолар ва шайхлар, мударрис ва дин арбобларини йўқ қилишга киришди. Беш юз нафар энг машҳур уламо, шайхулислом ва пиру муршид рўйхати тузилиб, улар ёппасига қамоққа олинадди. Кейин ҳаммасини Когон ташқарисига олиб бориб, ўзларига чуқур кавлатишган ва ўқни тежаш учун бирин-кетин каллаларини узиб, чуқурга кафансиз, жанозасиз ташлайверишган. Айтишларича, ана шу жойда икки-уч кунгача тупроқ қимирлаб турган. Бу хунрезликларда ўнлаб муруттаб қорилар, ўлканинг булбул ҳофизлари фожиали ҳалок бўлишди, умрлари қамоқда хазон бўлди. Қобул қори, Комил махсум, наманганлик Муҳаммадамин қорилар

қамоқда ўлим топишди. Бир қанчалари юртни ташлаб, ўзга ўлкаларга бош олиб кетишди.

Аввало Аллоҳнинг иродаси билан, қолаверса, бир бахтли тасодиф туфайли Рўзи қори домлам аянчли ўлимдан қутулиб қолдилар. Сир шундаки, хунрезликларга бош бўлганлардан бири Рўзи қори домламда Қуръон ўқиган шогирдлари эди. Ҳибсга олинганлар ичида устозини кўриб қолади ва: “Ие, манави одамнинг буларга ҳеч қандай алоқаси йўқ-ку, у таниқли савдогар, муллаларнинг ичида нима қилиб юрибди”, деб янги раҳнамоларини алдайди. Устозининг бир амаллаб қамоқдан қутулишларига, ҳатто шаҳардан чиқиб кетишларига сабабчи бўлади. Кейинчалик Рўзи қори домлам баттол шогирдини кўп марта эслаб: “Агар ўшанда у мени золимлар кўлидан чиқариб юбормаганида бунча қори кимни устоз тутарди”, деб юрар эканлар.

Босқинчилар таъқибидан эсон-омон қутулган устозимиз 1922 йили она шаҳарлари Андижонга қайтиб келадилар. Шаҳар марказидаги “Жомеъ” масжидининг мадрасасида дарс бера бошлайдилар. Мадрасанинг Қуръон суралари ададича 114 та ҳужраси бор эди. Аммо у кишининг мударрислиги узоқ чўзилмади. Мударрис Комил махдумдан унча рўйхушлик кўрмаган устозимиз бу ерни тарк этиб, Миркомилбой мадрасасига ўтдилар. Бу ерда бир неча йил мактабдорлик қилиб, юзлаб қориларни тарбиялаб чиқардилар. Комил махдум кейинчалик устоз ҳузурига бош эгиб келиб, Қуръонни қайтадан ўтказиб олди. Мен ҳам ўша йиллари устоз ҳузурига Қуръонни хатм қилиб, ўн беш ёшимда муруттаб қори бўлдим.

Советлар ҳукуматининг зулми Андижонга ҳам етиб келди. Бу ерда ҳам энг аввало дин пешволари таъқиб ва таҳдид остига тушди. Рўзи қори ҳам шаҳардан бош олиб кетишга қарор қилиб,

1929 йили Қашқарга ҳижрат қилдилар. Ўша пайтда Шарқий Туркистонга коммунизм балоси етиб бормаган, минглаб мусулмонлар Қашқардан паноҳ топаётган эдилар. “Ширин калом” китобининг муаллифи Собитхон домламиз азбаройи хурмат-эҳтиромнинг кучлилигидан ўзлари Макка шаҳрида туриб Қашқардаги ҳовлижойларини устозимизга тақдим этадилар.

Қашқар атоқли алломалар ва машҳур қориларнинг ватани бўлди. Бу ердаги эллик минг киши сифадиган улкан масжид меҳробида Қуръони мажид тиловат қилаётган қорининг овозини Аллоҳ инояти билан, ҳеч қандай микрофонсиз дарвоза эшик тагидаги намозхон ҳам бемалол эшитта оларди. “Меҳроб мақоми” дегани шу эди. Рўзи қорининг овозлари ҳам ҳаддан ташқари кучли, авжи биланд, айна пайтда жуда ёқимли эди. У зот Қуръон сураларини тиловат қилаётганларида ҳатто уларнинг маъноларини тушунмайдиганлар ҳам шавқланиб, сел бўлиб оқишар, кўзёшларини тўхтатолмай қолишар эди.

Рўзи қорининг бешариқлик шогирди Қосим қори ҳам устозларидан қолишмасди, қироатнинг булбули эди. Устоз ва шогирд Масжиди Калонда бир хил овозда, бир хил савт билан Қуръон тиловат қилишганида масжиднинг ҳамма ерида одамлар бемалол эшитишган.

Устозим Қашқарнинг машҳур муршидларидан Қосим ҳожини ўзларига пир тутган эдилар. Бу зот қирқ беш йил Маккада туриб, таҳсил олган эканлар. Қашқарнинг етти авлоди бадавлат ўтган атоқли бойларидан Умар охун таклифи билан Қосим ҳожи Қашқарга келган эканлар. Пири-муршид 137 ёшда вафот этадилар.

Туркистон қориларининг устози Рўзи қори Абдулбоқий ўғли 1933 йили етмиш беш ёшларида Қашқарда вафот этдилар. Ўша йили бу ўлкада вабо тарқалган бўлиб, ҳар куни бомдод намози-

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Бутун бўлсин тақво, имонинг**Хатолар**

Хатолардан иборат умр,
 Мен ҳам бундан холи эмасман.
 Неки қилдим, бари хатодир,
 Ҳаётимни тугал демасман.
 Не қилайин, ахир, бандаман,
 Хато, гуноҳ бандада бўлур.
 Кишандаман, гўё банддаман,
 Шу аҳволда ўтмоқда умр.
 Ўзинг қўлла, ёрлақа мени,
 Ёлбораман ўзинга, Аллоҳ.
 Сен кўрарсан мен қилсам нени,
 Барча ишдан Ўзингсан огоҳ.
 Ёрлақагин ўзинг, ё Аллоҳ...



Меҳри ярим бўлса ҳам ёринг,
 Шукрона айт жилмайиб майин.
 Ҳамма нарсанг бўлса ҳам ярим,
 Хуноб бўлма чиққудай жонинг.
 Фақат дининг бўлмасин ярим —
 Бутун бўлсин тақво, имонинг.

Қанотсизлик ҳасрати

Тушларимда учмайман кўпдан,
 Енгилгина тушмайман кўкдан.
 Қанотларим қирқилди гўё,
 Юксаклардан йиқилдим гўё.
 Чунки мен ҳам гуноҳқор банда,
 Жароҳатдай гуноҳ кўп танда.
 Ўзинг менга нажот бер, Аллоҳ,
 Қиёматда қанот бер, Аллоҳ...

**Ярим ой хаёли**

Яримта ой кўкда ярқирай,
 У гоҳ ярим, гоҳида бутун.
 Барибир у порлаб, барқ урар,
 У бор экан, фараҳлидир тун.
 Ярим ойга боққаним замон
 Яримликлар тушар хаёлга.
 Яримликлар этолмас ҳайрон,
 Яримликлар элтмас заволга.
 Нонинг ярим, мол-мулкинг ярим,
 Бахтинг ярим бўлса ҳам майли.

**Аллоҳдан сўра**

Қарғалар қагиллаб сўрашади қор,
 Уларни ноумид этмасдан зинҳор.
 Аллоҳ қор юборар, ноумид қўймас,
 Аллоҳим, ноумид бўлганни суймас.
 Сен ҳам, эй мусулмон, ноумид бўлма,
 Аллоҳдан тилашни, сўрашни қўйма.
 Қалбингни босмасин қиров ва шудринг,
 Наҳотки қарғача йўқ сенинг қадринг?...
 Нени истар бўлсанг, Аллоҳдан сўра...

га ўн олти-ўн еттита тобут чиқари-
 риларди. Қори домламиз ҳам ўн
 беш кунча ётиб, тузалмай, жон-
 ни Ҳаққа топширдилар. Домлам-
 нинг вафотларидан кейин вабо
 ҳам таққа тўхтади.

Устозимиз Рўзи қорининг фар-
 зандлари ва неварачеваралари-
 дан ҳам бир неча мураттаб қори-
 лар, Қуръон ҳофизлари етишиб
 чиқди. Бу зотнинг 1925 йили Ан-
 дижонда туғилган фарзандлари
 Абдулбоқи қори ҳам тўрт ёшда
 оталари билан Қашқарга кетган-
 лар ва ўша ерда ўн тўрт ёшда
 ҳофизул Қуръон бўлганлар.
 1959 йили Қашқардан қайтишган.
 Бу зотнинг тўрт ўғилларидан
 икки нафари қори бўлишди. Кат-
 та ўғиллари Сирожиддин ҳозир

эллик ёшдалар, йигирма бир ёш-
 ларида хатмга ўтганлар. Бу ки-
 шининг ўғиллари Салоҳиддин
 мураттаб қори бўлиб етишганлар.
 Яна бир ўғиллари Неъматуллоҳ
 қори оталари ва устозлари иши-
 ни давом эттириб, юзлаб шогирд-
 ларни Аллоҳнинг каломига ошно
 қилдилар. Рўзи қори домламиз-
 нинг кичик ўғиллари Яҳё махсум
 ҳам аҳли илмлардан, моҳир
 хунарманд бўлганлар. Бу зот-
 нинг эллик тўртга кирган ўғилла-
 ри Нурмуҳаммад қорининг тўрт
 ўғилларидан икки нафари — Му-
 ҳаммадрасул ва Муҳаммадса-
 фолар ҳам Қуръон ҳофизи бў-
 лишган.

Хуллас, хўжандлик Пирму-
 ҳаммад қори, қашқарлик қори-

лар каби, устозимиз Рўзи қори
 домла ҳам ўлкага илк бор таж-
 вид қоидаларини олиб келган,
 машҳур етти қироат соҳиблари
 силсиласини давом эттирган,
 қаерда бўлмасинлар, Қуръон
 ўқиш ва ўқитиш ҳуқуқига эга
 бўлган забардаст ҳофизлардан
 эдилар. Бу зотнинг авлодлари ва
 минглаб шогирдлари устоз анъ-
 аналарини давом эттириб, ўлка-
 мизнинг ҳар бир гўшасини Куръ-
 они карим нури ила мунаввар
 қилишга интилоқдалар. Аллоҳ
 барчаларининг хайрли ишларини
 бардавом этсин, охиратларига
 захира айлсин!

Аҳмад МУҲАММАД
 ёзиб олди

“ЁМОНЛИКЛАР ОНАСИ” ДАН САҚЛАНИНГ

Ичкиликхўрлик Фарб ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пиво ва вино ўтган асрлардаёқ аксарият оврупаликлар учун асосий “ҳузурбахш” ичимликка айланган эди. Кўплар ичкиликка берилишнинг ёмон оқибатлари ва зарарларини билса-да, бу ҳақда жуда кам одамлар бош қотиради.

Биргина пиво сотуви туфайли жуда кўп ижтимоий муаммолар юзага келаётир. Яқинда Буюк Британия ҳукумати жуда ташвишли маълумотларни эълон қилди.

Унда айтилишича, спиртли ичимликлардан кўриладиган зарар йилига йигирма миллиард фунт-стерлингдан ошар экан. Ичкилик сабаб бўладиган қарахлик ва касалликлар натижасида бир йилда ўн етти милён иш кунни йўқотилиб, иш берувчилар салкам олти ярим миллиард фунт-стерлинг зиён кўришади. Мамлакат солиқ тўловчилари шу туфайли йилига 1,7 миллиард фунт-стерлинг маблағ тўлашга мажбур бўлишади.

Одамлар ароқ ва вино кабилар истеъмолининг соғлиқ учун нечоғли хавфли эканидан хабардор қилинган. Соғлиқни сақлаш хизмати маълумотларига кўра, мастлик натижасида йилига бир милён икки юз минг зўрлаш ҳодисаси содир бўлади. Касалхонага тушган ҳар ўн кишидан бири ичкилик орқасидан юз берган кўнгилсиз воқеадан азият чекиши аниқланди. Дам олиш кунлари ярим кеча ва тонгги соат бешлар орасида бу кўрсаткич еттидан ўн тагача кўпаяди. Саккиз юз мингдан бир милён уч юз минггача мактаб ўқувчиси ичкиликхўр ота-оналаридан зулм кўради.

Ичкиликхўрлик туфайли очилган жиноий ишлар сони йилига етти миллиард уч юз мингдан ошади. Мутахассисларнинг фикрича, бу рақамлар ўртача

кўрсаткичлардир. Бу иллат сабабли юз берувчи бир қатор ижтимоий кўнгилсизликлар, жумладан, шаҳар ва қишлоқларда кузатиладиган доимий тартибсизликлар одатий ҳол ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Фарбда ичкиликхўрликка қарши бошланган кураш бой берилди ҳисоб. Турли чекловларга қарамай, бу иллат кучайиб бормоқда. Спирт ишлаб чиқариш саноати кўзлаган мақсадига эришиб, ичкилик бозори, “гуллаб-яшнамоқда”. Яқинда “Smirnoff” фирмаси реклама учун икки юз эллик милён доллар сарфлади. Эълонлар тахталари, журналлар, телекўрсатувларда маст қилувчи ичимликлар тарғиботи тез-тез кўзга ташланади.

Спиртли ичимликлар истеъмолининг одамлар соғлиғига, иқтисодиётга салбий таъсирини кўрсатувчи бошқа даҳшатли рақамларни ҳам келтириб ўтсак. Ичкиликхўрлик йилига йигирма икки минг кишининг ўлимига, бир юз эллик минг кишининг хасталиқдан ё кўнгилсиз ҳодисадан касалхонага тушишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ҳар йили бир милён икки юз мингтагача зўрлаш, номусга тажовуз қилиш ҳолатлари қайд этилган.

Хўш, британиялик сиёсатдонлар, жиноятшунослар, соғлиқни сақлаш хизматчилари, академиклар, эксперт ва мутахассислар бу ҳақда нима дейишмоқда?

Ҳолатдан “қутулиш” учун улар билдирган таклифлардан бири спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи муассасаларнинг иш вақтини узайтириш — уларнинг бутун кун давомида очиқ туришини таъминлаш бўлди. Фақат вино ёки пиво таъсирида гангит қолган каллага шундай таклиф келиши мумкин. Наҳотки бирор ақли расо

одам ичкиликхўрликни оммалаштириш муаммога ечим бўлмаслигини жиддий ўйлаб кўрмаса!?

Биз мусулмонлар учун ҳаром ичимликлар билан боғлиқ барча муаммоларни муҳокама қилиш осон. “Ичкилик маданияти”га хос бемаъни дунёқараш бизга бегона. Биз нарсаларга том маънода тийран назар билан қараймиз. Биз ҳаром ичимликлар соғлиқка ва ҳушёрликка зарар етказгани учунгина ичкиликдан тийилмаймиз. Биз учун Аллоҳнинг қайтариғи кифоя. Аллоҳ таоло имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, тўғри ҳаёт кечиришимизни хоҳлайди. Фарбда юзага келаётган муаммоларга назар ташлаб, Аллоҳ таолонинг қатъий тақиқлари инсоният учун қанчалар фойдали эканига ишончимиз комил бўлади.

Амриқолик тадқиқотчи олим доктор Эдвард Хилл спиртли ичимликларнинг асаб тўқималарига, бош мия фаолиятига зарарли таъсири шу кунга қадар берилган маълумотларда кўрсатилганидан икки баравар ортиқ эканини аниқлади.

Ичувчи ёшларда миянинг бошқарув фаолияти анча сустлашиб, эслаб қолиш ва фикр юритиш қобилияти ичмайдиганлардагига нисбатан ўн-йигирма фоиз заиф бўлар экан.

Амриқолик майхўрларнинг аксарияти ичишни ўн икки ёшдан бошлайди. Кузатишлар уларнинг дарсларни ўзлаштириши бошқа тенгдошларига нисбатан жуда паст даражада эканини кўрсатди.

Доктор Эдвард Хиллнинг айтишича, ичкилик сабабли пайдо бўлган руҳий касалликлар туфайли Фарбда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам кўпаймоқда.

«Khilafa.com Journal»

МАҲЖУРИЙ

Еткарур раҳматга Куръону ҳадис

Муножот

Эй карамлиғ Биру Борим,
сендан ўзга йўқ паноҳ,
Раҳмати кенг Подшоҳсан,
журм элига такягоҳ.
Даргаҳингда кўп хижолатман
қилолмай тоатинг,
Тавба қилдим, фазлинг ила
мағфират қил, ё Илоҳ.
Нафсу шайтон йўлдан урди,
топмадим тавфиқ ҳеч,
Бўлмағай деб қўрқаман
маҳшар куни рўйим сиёҳ.
Оре, бу оламда бордур
кўп гуноҳлик бандалар,
Лек бўлмас менчалик
инсон аро фарқи гуноҳ.
Фафлат уйқусинда ўтди
бу азиз умрим менинг,
Ўтмади, ё Раб, Сенинг
зикрингда мендин солу моҳ.



Жон берар чоғимда
имонимни сақла, эй Худо,
Қасд этиб келганда иблиси
лабин тортиб сипоҳ.
Гарчи осийман, эмасман
раҳматингдин ноумид,
Йўқ ажаб, лутфинг-ла топсам
охиратда иззу жоҳ.
Хаста Маҳжурингни йўқ
ажзидан ўзга туҳфаси,
Қилмағил мабюс ани Сен,
Сен карамлиғ Подшоҳ.

Намоз

Кимки бу масжидга кирса,
мақсади бўлсин намоз,
Сақлабон одобу тартиб,
айласин Аллоҳга роз.
Тангрига холис ибодат
қилсун ул қўшмай риё,
Ҳар талаб бўлса тилаб,
қилсин анга арзи ниёз.

МАЪРИФАТГА ОШНО КҮНГИЛ

Мулло Исҳоқ қори ўғли Муҳаммадхон Маҳжурий (1889 — 1973) дастлаб Хўжанд шаҳридаги “Миён ҳазрат”, сўнгра Андижон мадрасасида таҳсил олди. Куръони каримни тўла ёд олиб, бошқа фанларни ҳам пухта ўзлаштирди. Ёшлигиданоқ кўнгли шеърятга ошно эди. Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий ва Бедил асарлари билан танишиб, ўзи ҳам «Маҳжурий» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади.

Маҳжурий ҳам совет даврида маълум вақт жаллодлардан яшириниб юради. Ниҳоят, 1938 йили Маҳжурийнинг илми ва салоҳиятини ҳисобга олган олимлар республиканинг ўша даврдаги раҳбари Усмон Юсуповга уни пойтахтга ишга жалб қилиш лозимлигини билдирадилар. У 1941 йилнинг июнига-

ча Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг навоийшунослик бўлимида Садриддин Айний, Ғафур Фулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Боқий, Ҳабибий, Анисий, Чустий, Улфат, Сайфий, Собир Абдулла, Ғазанфар каби олим ва адиблар билан бирга ишлайди. 1941 йил Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик тўйига тайёргарлик ишларида Маҳжурий ҳам фаол иштирок этади.

Маҳжурийнинг ўткир илмий салоҳиятидан хабардор бўлган диний идора раҳбарлари домлани ишга таклиф қиладилар. Маҳжурий 1950 — 1954 йиллари Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида мударрислик қилди. Кейинчалик у киши Мирзачўл, Янгийўл, Ўш ва Андижон шаҳар-

лари жомеъ масжидларида имомхатиб бўлиб ишлайди.

Маҳжурий ҳамиша илм, амал ва ихлос бирлигига амал қилди. Қандай вазият бўлмасин, ибодат ва тақвони тарк этмади. Хотираларида ёзилишича, Фанлар Академиясида ишлаб юрган пайтларида бирор хонага кириб намоз ўқисалар, намоз ўқиб бўлгунларича Ойбек ёки Ғафур Фулом посбонлик қилиб турар экан. Рўза ойларида зиёфатга бориб қолишса, олдиларидаги таомларни нари-бери суриб, озайтириб, ўзларини бирор нарса еяётгандек қилиб кўрсатар эканлар.

Маҳжурийнинг адабий мероси ғазал, мухаммас, маснавийлар ва Бедил ижодидан қилган таржималардан иборат. Шунингдек, у киши мўътабар китоблардан фойдаланиб, Фотиҳа, Ёсин, Таборак ва Амма сураларини таржима-тафсир ҳам қилганлар.

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ

Барчаға Маъбуди Барҳақ,
зоти танҳодур Ўзи,
Истасун андин мадад,
йўқ андин ўзга чорасоз.
Биз Худога банда,
умматмиз Расулига анинг,
Барчамиз муҳтожмиз
Аллоҳға, улдур бениёз.
Биз ҳақиқий аҳли тавҳид,
ўлғали аз тахти дил,
Эҳтимом этмоғимиз
албатта лозим қиш ва ёз.
Чин мусулмонга таниш
тавҳидини вожиб эрур,
Ҳарна мушкулдур ики оламда
бўлмоқ сарфароз.



Қуръону ҳадис


Давлати узмо эрур
умматга Қуръону Ҳадис,
Ики дунёда сабаб
рафъатга Қуръону Ҳадис.
Бири қонуни Илоҳий,
бири шаръи Мустафо,
Эргашур ким, еткарур
жаннатга Қуръону Ҳадис.
Истаманг бахту саодат
топқани бир ўзга йўл,
Восил айлар ҳар нечук
давлатга Қуръону Ҳадис.
Рост йўл қайси экан деб
хужжат истарсиз агар,
Хўб билинг, сизга етар
хужжатга Қуръону Ҳадис.
Раҳнамо ким деб сўрсангиз
Ҳақни топмоқлик учун
Таклиф айлар ояту
суннатга Қуръону Ҳадис.
Тарк қилмоқлик керак
бидъат-хурофот ишларин,
Ким, муқаррар қаршидур
бидъатга Қуръону Ҳадис.
Домани суннат тутиб
бидъатдин ул Маҳжурким,
Еткарур охир сени
раҳматга Қуръону ҳадис.

Ибодат қил

Ҳақиқатга кел эмди, эй кўнгул,
Ҳаққа тоат қил
Фаниматдур вужудинг,
кеча кундуз ибодат қил.
Юқори айлаб, эй бош,
бошқа аъзолара бош этди,
Мунинг шукронасига, бош
қўйуб туфроққа, тоат қил.
Аё кўз, нур берди Ҳақ сенга,
олам кўз олдингда,
Кўриб ибрат олурга,
барча ашённи назорат қил,
Сўзимни тингла, эй икки қулоғ,
эшиткучи бўлдинг,
Эшитма ўзга сўз, Ҳақ сўз
эшитмоқликка одат қил.
Билурга берди қувват, эй димоғ,
оламдаги ҳидни,
Муҳаббат бўйини Ҳақдин
олурга сен жасорат қил.
Сени сўзларга қойим қилди,
эй тил, Ҳақ карам бирла,
Ҳадиси Мустафодан сўзлаю
Қуръон тиловат қил.
Юзу қўл, бош-оёқ, ҳар тўртинг,
аъзо бошлиғидурсан,
Ибодатга ўзингни, тоза
тутмоққа таҳорат қил,
Сочилма ҳар томонга, эй хаёлу
ўй ила фикрим,
Югурма эгри йўлга, ақл,
сен ҳам истиқомат қил.
Яқин Маҳжур ўлурсан,
бир-бирингдан, эй тану жон,
Гуноҳга мағфират истаб,
хатоларга надомат қил.



Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”) асари Марказий Осиё халқларининг ўн олтинчи асрдаги ижтимои-иқтисодий ҳаётини ўрганишида катта ўрин тутди ва далилларга бойлиги, тарихий воқеаларни атрофлича ёритиши билан бошқа тарихий асарлардан тубдан фарқланади. Шайбонийхон вафотидан сўнг парчаланиб кетган Мовароуннаҳрни қайта бирлаштиришда катта ишлар қилган Абдуллахоннинг қирқ йиллик ҳукмронлигига, ўша пайтдаги уруш-низоларга бағишланган бу шоҳ асар ҳанузгача Шарқу Ғарб олимлари эътиборини жалб қилиб келяпти. Қуйида мазкур асардан айрим ўзбек уруғлари тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берилган бир парча эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



Ҳофиз Таниш БУХОРИЙ

БИР ДАРЁНИНГ ИРМОҚЛАРИ

Қорахоннинг Ўғизхоннинг мусулмон эканидан хабар топгани ва улар ўртасида содир бўлган низолар

Ўғиз шикор сайрига кетгач, Қорахон бир мажлис тузди. (Бу мажлисда) Ўғиз ҳали муносабатда бўлмаган иккала келинини бир ерга тўплаб, уларнинг кўнгилларини беҳад кўтариб, уларга ҳисобсиз қарамлар кўрсатди. Суҳбат вақтида улардан сўрадики: “Не сабабдан Ўғиз сизлардан четлашиб, Ўзхоннинг қизи билан бирга бўлди, ҳолбуки, унинг хусни сизларнинг офтоб жамолингизнинг (фақат) бир шуъласича, хуснингиз хирманининг бир арпасича ҳам эмас-ку. Агар бу воқеа борасида сизларда бирор гап бўлса, сўзланглар”. Келинлар сўзлашга мажол топиб, хотирларининг садоғида бўлган гапларни чиқариб дедиларки: “Ўғиз илгариги дин(имиз)ни қўлдан бериб, янгидан бир дин чиқарди. Шу (дин)ни ўтган оталаримиздан эшитган эмасмиз. (У) бизларни ўз динига (ўтишга) ҳар қанча ундаса ҳам, унинг амру фармонида бўйсунмадик; ота-боболаримиз динидан бошқа динга майл қилмадик”.

“Албатта бизлар ота-боболаримизни бир миллат-дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан бораемиз” (Зухруф, 23).

Бу сўзни эшитиши билан Қорахоннинг жаҳ-

ли кўзгаб, жони ҳалқумига келди. Тамом ҳаяжонга келиб, зўр даҳшат билан боргоҳининг яқинлари ва мудаббирларига дедик: “Ўғиз болалигида умид боғининг гули ва абадий давлат базмининг шамъи бўлиб қолиши кўринар эди. Ҳозирда ҳақиқатан (ҳам) ўт ёқиб, жаҳонни ёндирувчи оташ бўлибди. Энди (унинг) савдойи бошини танасидан жудо қилинмаса, мамлакатга бундан (ҳам) кўп ташвишлар келади. Агар унинг умид қўли умр этагидан қалта қилинмаса, мурод ипи ихтиёр қўлидан чиқиб кетади. Қўрқаманки, агар бу балони даф қилишда ва бу можарони йўқотишда озгина бепарволик содир бўлса, (тез орада) чумоли илонга, илон (эса) одамни дамига тортувчи аждаҳога айланади”.

Келинлар (ҳам) шамол кўзгатувчи сўзлар ва оташомиз ҳикоялар айтдиларки, (Қорахон) дарҳол офтоб зарраларидан (ҳам) ортиқ, булут ёмғирлари қатраларидан (ҳам) кўп лашкар тўплади. Ҳаётдек фитна кўзгатувчи, ўқ ва шамширдек қон тўкувчи сипоҳлари билан (ўғлига қарши) урушга отланди.

Ўғизхоннинг қизи бу воқеани эшитгандан кейин, оташ нишон, шамолдек елувчи хабарчи юбориб, Ўғизни бу ҳол ва кайфиятдан, кўрқинчли мушкул ишдан огоҳ қилди. У (Ўғиз) ҳам кўп сонли қўшин тўплаб, (уруш) асбобларини ҳозирлади.

Ўғизхоннинг Қорахон билан уруш қилгани, (унинг устидан) ғалаба қозонгани ва талашиш палосини йиғиштиргани (баёни)

Икки тарафнинг лашкари бир-бирининг муқобилига келганидан сўнг дастлаб Ўғизхоннинг аскарлари кофирлар билан урушиш ва мушрикларнинг илдизидан кўпориш учун олов сочувчи тигларини қинидан чиқариб, фитна нишон найзаларининг учини отларининг қулоқларига тўғри-лаб, уруш майдонида осмондаги юлдузлар сингари саф тортдилар.

Қорахон ҳам (ҳатто) мунажжимлар аҳли (унинг) ҳисобини шарҳ қилишдан ожиз бўлган саноқсиз лашкар ва ҳеч (бир) доно ва ҳисобчининг ақл ва фикри тасарруфига сиғмайдиган миқдорда кўп суворийлар ва хизматкорлар тўплади. Уларнинг ҳаммаси ханжар ва найза билан эмишган, от ва эгар билан туғишган эдилар (ва) уруш майдонида нарднинг доналаридек саф бе-заган эдилар. (Шундай қилиб) ўша бўкирувчи икки арслон ва икки йиртқич қоплон шикоргоҳда бир-бири билан тўқнашдилар ва ов жангини урушга айлантирдилар. Овдаги ҳайвонларнинг фарёди ноғора(нинг) гулғуласи, қушларнинг чуруқлашлари тасбеҳ ҳамда такбирга айланди. Шамшир хавфидан шер юзини ўз ўрмонига ўгирадиган, тез учадиган ўқнинг кўрқинчидан бургут ҳаво авжидан пар ташлайдиган чоғда Ўғизхон давлат ёрдамчиларидан бир нечаси билан кофирларнинг сафига от қўйиб, ер юзидан чангни осмон қуббасига етказиб, қуёш булогини чанг билан тўлдирди.

Ислон лашкари ва кофир(лар)нинг гуруҳлари уруш майдонини марказ қилиб, ўраб олдилар; мусулмон ва кофирлар(нинг) тўдалари дарё тўлқинлари сингари бир-бирининг устига чиқиб кетдилар.

Жанг олови (ниҳоятда) кучайган бир пайтда Қорахоннинг вужуд хирмани куйиб кетди; ялтироқ тиг оташидан унинг умид офтобни хароб қилувчи булут қоплади. Кимки саркашлик қиличини қинидан чиқарса, ўша қиличи билан ўлдирилади. Нима (ёмонлик)ни ўйласанг, ўшанга ўзинг гирифтор бўласан. (Қорахон ҳам) ўз бошига ўзи етди. Нифоқ тухмини эккан эди. Умидсизлик ҳосилини (йиғиб) олди. **“Агар чиройли амаллар қилсангизлар, ўзларингизга яхшилик қилган бўлурсизлар. Агар ёмон — гуноҳ амаллар қилсангизлар ҳам, ўзларингиз учундир”** (Ал-Исро, 7).

Қорахон(нинг) лашкари, юлдузлар офтобдан қочганидек, бахтиёр Ўғиздан қочдилар ва шабнам сингари ўзларидан тўкидилар. Ўғизнинг кўпчилик қавмлари ва амакиваччалари у билан иттифоқ бўлиб, давлатининг зоҳир бўлишига ишонганликларидан, қарийб етмиш беш йил давомида уларнинг ўртасида бўлган уруш-талаш,

қирғин ва қон тўкиш тамом бўлди. Оқибатда ҳаёт Ўғизга насиб бўлиб, (уруш) унинг фойдасига ҳал бўлди. Уруш-талаш бўлган ердан то Бухорога қадар (мамлакатлар) унинг фармониغا ўтиб, жаҳон майдони отига жавлонгоҳ бўлиб қолди.

Ўғиз билан ёвлашган ва ёрдам бериш одатидан узоқ бўлган бошқа авом ва қавмлар (Ўғизхон давлатининг) шарқ томонида жойлашдилар. Турклар наздида муқаррар ва муайяндирки, мўғуллар ўша наслдан тарқалганлар. Ўша замонда ҳамма кофир ва диёнатсиз бўлган. Унинг (Ўғизнинг) замонида ҳамма Тангрини танийдиган ва унга шўкур қилиб, уни мақтайдиган бўлди. **“Аллоҳ Ўзи хоҳлаган зотларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилур”** (Юнус, 25).

Ўғиз феруза тусли гумбазнинг айланишидан бахтли бўлиб, унинг давлат муҳри фалакнинг ёқут муҳридай (яъни, қуёшдай) оламни ёритгач, фалакнинг сабзаранг чодир (фақат) бир парча бўлиб, оламтоб қуёш (унга нисбатан) бир қубба бўлиб кўринадиган олтинранг бир чодирда амирларга ва баҳодирларга, (уларнинг) мартабаларига лойиқ ташрифотлар (кўрсатди) ва (уларга) қимматбаҳо саруполар совға қилди. Уруш кишиларини ва кўпгина паҳлавонларнинг бошини силади ва уларнинг аҳволи саҳифаларига тарбия қилиш рақамини нақшлади. Ўша вақтда унга қўшилган ва унинг давлат фитрокига ўз бошини боғлаган жами қавмлар ва амакиларига “уйғур” деб ном берди. Бунинг маънисини — қўшилиш ва мадад қилишдир. Қонгли, қипчоқ, халаж ва оғожири (қабилаларидан бўлган) халқлар уларнинг фарзандларидан бўлиб, ана шу низолар ва жанжалларда ҳамда (юз берган) бошқа воқеаларда, шароитга қараб, уларнинг айримларига, яхши феълларига (ҳам) қараб, исм ва ном берди. Баъзиларига нисбатан (бўлса) бирор гуноҳ (ёки) нуқсонда ҳажв қилишни (ўз) ичига оладиган бир сўзни уларнинг аҳволи саҳифасига битар эди, токи булардан бирига гурурланиш сабаби иккинчисининг огоҳлик воситаси бўлсин. Ўша фирқаларнинг исмлари ва тафсиллари будир:

Уйғур (қавми). Ўғиз отаси ва амакилари билан тангрипарастликда низолашиб юрганида Ўғизга қўшилган ва унга тобелик камарини белларига боғлаган қавмдир. Уйғур (сўзи)нинг маъноси юқорида айтилди. Бу жамоа Ўғиздан ҳеч вақт ажралмас ва хилофлик қилмас эди. Унинг (Ўғизхоннинг) давлат оти жаҳонни кезишда фалакнинг сабзаранг отидек тез бўлиб, офтоб(нинг) тиги унинг мамлакат очувчилик урушлари тиги жозбидан ўтмас бўлиб қолган бир замонда уларни Дарбант чегараларидан қайтариб келган, токи улар шоҳона байроқлар ўрнига келгунча мамлакатни муҳофаза қилишда ниҳоят тиришсинлар. Уйғур қавмлари тўлиғича ўша боғнинг меваси ва ўша чироғнинг учқунидир.

Қонгли (қавми). Ўғиз ва унинг амакиваччала-

ри ўртасида низо кучайиб (улар бир-бири билан) тиг ва ўқ тили билан сўзлашиб юрган вақтларда (қонгли қавми) уларнинг мулкани, хирожини, тахту тожини талон-тарож қилди ва ҳадҳисобдан ташқари қимматбаҳо тошлари, нақдиналари, турли мато ва кийимлари (қонглилар) қўлига тушди. Бу (нарсалар)ни ўша томондан олиб келиш мушкул ва қийин кўринди. (Шу вақтда) бу жамоа назар ва фикрнинг нозиклиги билан аравалар ясардилар; қўлларидаги юкнинг ҳаммасини араваларга ортардилар. Ва шу мақбул ишлари туфайли “қонгли” лақабини олганларки, (қонгли) араванинг номи бўлган. Қонглиларнинг барчаси ўша номнинг қатралари ва ўша дарёнинг томчиларидир. Султон Жалолиддин (Хоразмшоҳ)нинг онаси Туркан хотин (ҳам) шу қабиладан (бўлиб), шу пилигнинг шуъласидир.

Қипчоқ (қавми). Ўғизхон итбороқ (қавми билан) жангда шикаст еб, икки дарё оралигида қолиб, унда макон қилган (вақт)да ўша жангда эри шер шамширининг чангалига тушган (яъни, ўлдирилган) бир ҳомиладор хотин замоннинг ажиб вазияти туфайли ҳомиладорликдан бўшаниш учун чириган катта бир дарахтнинг кавагига кириб, бир ўғил туғди. Бу ҳол кайфияти Ўғизхоннинг шарафли қулоғига етгач, марҳамат ва карам юзасидан амр қилдики: “Бу бола-нинг отаси йўқлиги учун менга фарзанд ўрнида бўлсин ва менинг тарбиямдан баҳраманд бўлсин”. (Ўғизхон унинг исмини Қипчоқ қўйди ва унинг тарбиясида (зўр) ҳиммат кўрсатди; уни фарзанд ўрнида тутди. Мазкур исм “қабақ” сўзидан олинган бўлиб, туркчада кавакли дарахтни шундай атайдилар. (Орадан) ўн етти йил ўтгач, Ўғизхон итбороқ қавмини енгди ва Эронзаминни (ўзининг) осмондаги юлдузлар каби камол(га етган) маҳрамлари безаги билан тўлдирди. (Бутун) дунё мамлакатларини тақдир ёрдами билан бўйсундирди, жаҳонни тиг ва найза зарби билан ўзига қаратди. (Бундан) бир қанча вақт ўтгач, (Ўғизхон) ўз юртига ва қароргоҳига қайтган эди (ҳам) ки, яна хабар келдики, итбороқлар (унга қарши) яна исён бошлабдилар ва душманчилик шамширини туғён суви билан суғорибдилар. (Ўғизхон) уларнинг зарар(ли ҳаракат)ларининг олдини олиш ва ёмонлик (ният)ларини даф этиш учун Қипчоққа яйловда ўлтиришни ва уларнинг (исёнчиларнинг) йўлини тўсишни буюрди. Ўша замондан бери у қавмнинг яйлов ва қишлоқлари ўша манзилдадир ва ҳамма қипчоқлар ўша зотнинг қатралари ва ўша оташнинг учкунларидир.

Қорлиқ (қавми). Қачонки Ўғизхон Ғур ва Гаржистондан ўзининг асл юртига қайтар экан, баланд тоққа етдики, осмон баландликда унинг камарбастаси эди ва (ўша вақт) ер атрофи, ҳаво этаги қор билан тўлган тоғдай мушк ва кофур билан тўлган эди. Совуқнинг шиддат ва савла-

тидан бир фирқа (Ўғизхоннинг) муборак узангисига мулозим бўлишдан ортда қолди. (Мавжуд) ясоқ ва қоида кишини ундан ортда қолишга йўл қўядиган эмас эди. Ўғизхон ўша ҳаракат улардан содир бўлганини билди, танбеҳ ва тобелик юзасидан у халққа “қорлиқ” деб лақаб берди; яъни (қорлиқ) “қор эгаси” демакдир. Улар ўша жойда туриб қолдилар ва уларнинг юртларидан баъзилари Сова (вилояти)нинг атрофларидадир.

Халаж (қавми). Ўғизхон Исфохонни олиб қайтаётганида, бир ҳомиладор хотин туққан эди. Тангрининг сахийлиги унга (ўз) насибасидан баҳра олишда очиққўллик кўрсатганида, (онасининг) кўкрак булоғида нам қолмаган эди. Заҳмат кечасининг узунлигидан шакар қамишдонда (сутдан) асар қолмаган эди. Бола (очликдан) қуруқ лаб ва нам кўзлари билан йиғларди; очлик интизорлигида кўзини очиб ҳар томонга (қараб) жавдирарди. Шу ҳолатда ўша аёл эрининг кўзи тустовуқни тутиб олган бир шағалга тушди (ва шағалга) калтак отиб, унинг қўл ва оғзидан ўша луқмани (тустовуқни) тортиб олди. Тустовуқни худди шағал юрагидек (қилиб қовуриб) кабоб қилди (ва) уни хотинига берди. Она ва фарзанд ўша таомдан баҳра ва ҳаёт дарсидан сабоғ топдилар. Фармоннинг даҳшатидан ва ясоқнинг қаттиқлигидан кишининг (бир жойда) тўхташга мажоли йўқ эди. Бир неча кундан сўнг бу бечора лашкарга етиб олди. Ўғизхон унинг ҳолаҳволига тушунгач, унга: “қол оч”, яъни, “оч қол”, деди. Халажларнинг ҳаммаси шу ёруғсиз уруғдан ва ис босган кулбадандир.

Оғожури (қавми). Бу ном қадимдан бўлмай, (балки) Ўғизхон(нинг) қавмлари Эрон мамлакатига (бостириб) кирганларида ўрмон четларини (ўзларига) юрт ва қароргоҳ қилиб олган бир тоифани “оғоч эри”, яъни “ўрмон кишиси” деб атадилар. Оғожуриларнинг барчаси шу тоифа насилдандир. Ўғизхонга итоат қилиб, жон бағишловчилик ёзувини диллари ва хотирларининг саҳифаларига нақш қилган туркманлар (ҳам) мазкур қавмдандир.

Ўғизхон ҳокимлик мансабига эришиб, мақсадига етиб, (мамлакатда) тинчлик (ва осойишталик) ўрнатганидан сўнг, “уйғур” номини ўзи билан ҳамжиҳат бўлган туркларнинг барчасига берган бўлса ҳам, (лекин) улар орасидан баъзилари юқорида баён қилинган сабаб билан ўзларига хос исм ва махсус лақаб олдилар. “Уйғур” сўзи қолганларга исм бўлиб қолди.

(Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. “Абдулланом, Шарафномаи шоҳий”, 1-жилд, таржимон Солик Мирзаев, Тошкент. “Фан” нашриёти, 1966 йил, 66-74-бетлар, қисқартириб олинди).



Зира



Қадимги манбаларда “кам-мун” деб номланган зира таркибида 7,17 фоиз эфир мойи, 22 фоиз ёғ, 23 фоиз оқсил, флавоноидлар, 3 фоиз қанд, ошловчи ва бошқа фойдали моддалар бор.

Ибн Сино юрак безовталигини тўхтатишда, ҳижрачқни қолдиришда, ел ва гижжани ҳайдашда, юзни тиниқлаштиришда, бурун қонаганида, ошқозон-ичак, жигар ва сийдик йўллари касалликларида, овқатни ҳазм қилишда, кўз нуруни кўпайтиришда, совуқдан келган ҳафақонни даво-

лашда зирани тавсия этган.

Халқ табобати амалиётида қора зира қайнатмаси ёки дамламаси камқонлик, меъда оғриғи, ичбурма (дизентерия), юз фалажи, бачадон ва жигар касалликларини, яра ва шишларни даволашда қўлланади.

Зира кўз қувватини оширади, она сутини кўпайтиради, балғам кўчиради, сийдик, ўт ва ел ҳайдайди.

Зира мойи танадаги зарарли микроорганизмларни ўлдириш хусусиятига эга. Зиранинг ҳидидан ҳашо-ратлар қочади.

Маслаҳатлар:

1. Ивигилган ёки қайнатилган зира суви билан юз ювилса, юзнинг рангини очади. Қатиққа аралаштириб суртилса, латофатли ва юмшоқ қилади.

2. Қон босими юқори кишилар ярим чой қошиқ зирани қора ёки кўк чойга қўшиб, ярим литрлик чойнакда 15–20 дақиқа дамлаб ёки паст оловда 8–10 дақиқа тоблаб ичсалар, фойда беради.

3. Иштаҳани очишда овқатланишдан ярим соат олдин қора зира уруғидан тайёрланган кукундан бир чимдим ичиш тавсия этилади.

4. Зирани асалга қўшиб ейилса, пуштни кўпайтиради, сиркага қўшиб ейилса, пуштни камайтиради.

5. 50 гр. далачай, 50 гр. тоғ-

райҳон, 5 гр. зира уруғидан тайёрланган аралашмадан бир ош қошиғини 600–800 гр. қайноқ сувда икки соат дамлаб қўйилади. Дамлама совуғач, докадан сизиб олинади, овқатланишдан йигирма-ўттиз дақиқа олдин бир-икки ош қошиқдан ҳар куни уч маҳал ичилади. Бу бод ва туз йиғилган бўғинларни даволашда фойда қилади.

6. Озгина зира уруғини туз билан қўшиб, яхшилаб чайнаб истеъмол қилинса, меъда совуқлигини йўқотади.

7. Зира қайнатмаси ёш болали аёлларнинг кўкрак сутини кўпайтиради.

Қайнатмани тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга икки истакан сув (400 гр), бир-икки чой қошиқ қора зира солинади ва уч дақиқа паст оловда қайнатилди. Сўнг бир ош қошиқ шакар солинади. Ушбу қайнатма совуганидан сўнг, докадан сизиб, кунига овқатланишдан йигирма дақиқа олдин 50 гр.дан уч маҳал ичилади.

8. Зира суви бурундан қон кетишини тўхтатади, кўзга томирилса, қизаришни бартараф қилади.

Эслатма:

1. Зира меъеридан ортиқча истеъмол қилинса, ранг-рўйни сарғайтириб, оздириб юборади. Ўпкага ҳам зарар етказиши мумкин.

2. Зира қайнатмаси меъда шираси ошганида, гастритнинг гипертатсид шаклида ҳамда меъда, ўн икки бармоқ ичак яраси хасталикларида салбий таъсир кўрсатади.

3. Зира совуқ (рутубатли) мижозли кишилар учун фойдалидир.

Сафар МУҲАММАД

УЛАР БИЗНИНГ ҚЎШНИЛАРИМИЗ



Қуръони карим ҳайвонот оламини ўз ақли шуурига эга инсон олами кабидир, деб эълон этди: **“Ерда судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқайтган ҳар бир қуш худди сизлар каби (Бизнинг қўл остимиздаги) жамоалардир”** (Анъом, 38).

Ҳадиси шарифда жониворларга шафқатсизлик туфайли киши дўзахга маҳкум бўлиши айтилади: “Бир аёл мушук тўғрисида дўзахга кирди. У мушукни боғлаб қўйиб, овқат бермас, ер ҳашаротларини ейишига ҳам йўл қўймас эди” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Шариатимиз тўхтаб турган уловнинг устида кўп ўтиришни ҳаром қилган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар: “Уловларингизнинг елкасини курси қилиб олмангиз”.

Ҳайвонларни оч қолдириш, оздириб-тўздириш ҳам ҳаромдир. Расулulloҳ (алайҳиссалом) орқаси қорнига ёпишган туянинг олдидан ўтиб қолдилар ва: “Бу тилсиз ҳайвонлар тўғрисида Аллоҳдан қўрқингиз. Уларни

яхши миниб, яхши едиринглар”, дедилар.

Шунингдек, жониворларни тоқатидан ортиқ ишга мажбурлаш ҳам ман

этилган. “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансорлардан бўлган бир кишининг боғига кирдилар. У ерда бир туя бор эди. У Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) кўрганида, овоз чиқариб, кўз ёши тўкди. Расулulloҳ (алайҳиссалом) унинг олдида келиб, ёшларини артдилар ва: “Бу туянинг эгаси ким?”



деб сўрадилар. Боғ соҳиби: “Мен, ё Расулulloҳ”, деб жавоб қилди. Пайғамбар (алайҳиссалом) унга шундай дедилар: “Аллоҳ сени эга қилиб қўйган бу ҳайвон тўғрисида Аллоҳдан қўрқмайсанми? У оч қолдирганинг ва қаттиқ ишлатиб, ҳолдан тойдираётганинг тўғрисида менга шикоят қилди”.

Ҳазрати Умар (розийаллоҳу

анҳу) бир қўйни сўйиш учун оёғидан судраб кетаётган кишининг олдидан ўтаётган унга: “Ҳолингга вой, уни ўлимга чиройли олиб боргин”, деганлар.

Умар ибн Абдулазиз волийларига ёзган хатларидан бирида одамларни бекордан-бекорга отларини чоптиришдан қайтарганлар. Йўл ишларига масъул хизматчига эса, кишиларга уловларини оғир юганлар билан юганлашга ёки учи темирли қамчи билан ҳайдашга рухсат бермасликни буюриб, хат ёзганлар.

Саҳобалардан Адий ибн Ҳотам (розийаллоҳу анҳу) чумолларга нонни майдалаб бера ту-

риб: “Албатта, улар бизнинг қўшнилариимиз, бизнинг устимизда уларнинг ҳақлари бор”, дер эди.

Буларнинг барчаси динимизда ҳайвонларга раҳмдиллик юксак даражага кўтарилганини кўрсатади.

Анвар АҲМАД
тайёрлади.

